



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

www.uzas.uz

2018-yil 28-sentabr №41 (4491)

ЮКСАК ЭХТИРОМ



Аввал хабар қилинганидек, кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Президент Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан Душанбе шахрига ташир буюрди.

Тадбир доирасида давлатимиз раҳбари Душанбе шаҳрида янги очилган боғ билан танишиб, Нуриддин Абдураҳмон Жомий ва Низомиддин Алишер Навоий ҳайкалининг очиқиш маросимида иштирок этди. Ҳар икки давлат раҳбарлари буюк шоирлар ҳайкали пойига гуллар қўйиб, эҳтиром баҳо келтирдилар. Бугун Президентимиз Душанбеда бўлиб ўтаётган МДХ давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этмоқда.

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кун

Бундан беш ой олдин Манасда қурилган қўркам боғча ва мактаблар доғруғи бутун мамлакатимиз бўйлаб тарқалган эди. Кимдир газетада ўқиб, кимдир телевидение орқали кўриб, қишлоқларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига ҳайрат кўзи билан боққан эди. Бугун бундай ҳайрат ҳар биримизнинг қалбимизда бўй кўрсатмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар ўртасидаги тафовут йўқолиб бораётгани қувонарли эмасми? Тўрт киши йиғилган даврада келажак ҳақида, истиқболда эришадиган ютуқларимиз ҳақида сўз бориши аънамага айланди.



ЖАЖЖИ ИҚТИДОРЛАР МАСКАНИ

Президентимизнинг шу йил 5 апрелда қабул қилинган **“Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарорининг 4-банди ижроси юзасидан Шайхонтоҳур туманидаги Қозиробод қўчасида ёзувчи ва зиёлилар учун кўп қаватли турар жой бинолари барпо этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 10 август кунини ёзувчи ва зиёлиларга аталган ушбу уйлارга ташриф буюриб, уларнинг биринчи қаватида зиёлиларнинг фарзандлари учун қурилган мактабгача таълим муассасасини ҳам кириб кўрган эди. Президентимиз: **“Мактабгача таълим тизими доимий эътиборимизда бўлади. Мактабгача таълим муассасалари учун услубий қўланмалар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш, бу ишларга тажрибали ижодкорларни ҳам жалб этиш лозим. Болалар аини боғча ёшида билимини тез ва осон ўзлаштиради, бир умрга эслаб қолади. Шунинг учун ушбу тизим ривож биан боғлиқ масалалар доим диққатимиз марказида бўлиши керак”**, деб таъкидлади. Ушбу

ташриф юзасидан 20 август кунини ўтказилган мажлис баёнининг 53-бандида мазкур мактабгача таълим муассасасига **“Ёш келажак ёзувчи-зиёлилар маскани”** деб ном берилиши таъкидлаб ўтилган.

Бино майдони 2246 кв. метрни ташкил этади, уни бунёд этишга Тошкент шаҳар ҳокимлиги мутасадди қилиб белгиланган. Муассасани жиҳозлашга 500 млн. сўм маблағ ажратилган. Мазкур мактабгача таълим муассасасига кичик ёшдаги юз нафар бола қабул қилинади ва тўрт гуруҳда икки сменали фаолият олиб боради.

Ташриф жараёнида давлатимиз раҳбари бу даргоҳда тарбияланувчилар орасида ижодкорлик муҳитини яратиш учун махсус ўқув қўланмалари яратиш зарурлиги, тарбияланувчилар ўзига ҳос иқтидор эгалари бўлиши кераклигига ҳам эътибор қаратганди. Шу мақсадда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида муассаса тарбияланувчилари учун методик қўланмалар яратиш бўйича ижодий кенгаш тузилди.

— Давлатимиз раҳбарининг халқ таълими йўналишидаги вазифалар-

га биз ижодкорларни ҳам жалб қилаётгани зиммамизга катта масъулият юклайди, — дейди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев кенгаш аъзолари билан ўтказилган йиғилишда. — Бу мактабгача таълим даргоҳининг қўланмалари бошқа муассасаларга намуна бўла оладиган даражада мукамал бўлиши керак. Буюк келажакни яратишни хоҳлаган миллат ўз болаларининг таълим-тарбияси ҳақида жиддий ўйлайди ва мана шундай улуг ишларга бел боғлайди.

Бизга Президентимизнинг ўзлари илҳом берапти.

Мактабгача таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар биргаликда шу ишларга камарбасталик қилмоқда.

— Биз қизиқарли, бола тилига мослаштирилган содда тарздаги ўқув қўланмаларини яратишга киришдик, — дейди ижодий кенгаш аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Анвар

Обиджон. — Мазкур вазифаларни бажаришга болалар шоир ва ёзувчилари билан биргаликда тажрибали педагоглар ҳам жалб қилинди.

Тайёрланаётган ўқув қўланмалари мавжуд байрамларимиз, мусиқа, халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиётимиз, йил фасллари, давлат рамзлари, Мустақиллик, Конституциямиз ҳақидаги қўллаб маълумотлари бола тили ва тасаввурига мос тарзда қамраб олади.

Президентимизнинг **“Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қароридан белгиланган вазифалар бу масканда тарбияланувчиларни ўзига хос инновацион таълим-тарбия усуллари асосида ўқитиш, аини чоғда, ўзбек тили билан бир қаторда хорижий тилларни мукамал билидиган мутахассисларни жалб этиш зарурлигини ҳам кун тартибига қўймоқда.

Фароғат ХУДОЙҚУЛОВА,
Ёзувчилар уюшмаси
масъул ходими

ҚАДАМЖОЛАР ТАРИХИДАН



Юртимиз қадим тарихи, бой аънавалари, алломаларию обидалари, зиёратгоҳлари билан дунёга машҳур. Пойтахтимиз Тошкент шаҳри ҳам азиздан илм-фан ва маданиятнинг йирик марказларидан бири сифатида оламга танилган. 2017 йил 26 май кунини давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг ана шундай қадимжоларидан бири Шайхонтоҳур туманида жойлашган «Сузуқ ота» мажмуасида бўлиб, мақбара ва масжидни реконструкция қилиш, атрофини ободонлаштириш бўйича тавсиялар берган эди. Пойтахтимиз кўрқига кўрк қўшаётган муҳташам

мажмуа қурилиши яқунланётган аини кунда таниқли ижодкор Аскар Обидов «Хожа Аҳмад Яссавий ва Сузуқота» номили рисоласига тартиб бергани аини муддао бўлди. Ушбу рисолада кўнча Сузуқота маҳалласининг тарихи, маҳалла асосчиси Сузуқота тўғрисида маълумот ва ривоятлар берилган. Қуйида мазкур рисоладан парча билан танишасиз.

► 2

ТАХРИРИЯТ

ГУЛЛАЁТГАН АДИБЛАР ХИЁБОНИ

Ўзбекистонда сўз усталарини қанаади қарарлашлари хусусида

Ёз фаслининг сўнги ойида Ўзбекистонда анча йиллардан буён илк бор йирик адабий анжуман — **“Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари”** мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Тошкентдаги биносига кирганингизда, ақл бовар қилмайдиган ҳодисага дуч келасиз: бу — бино эмас, шинам кабинетлар, конференция заллари ва бошқа зарур хоналарга эга бўлган янги, муҳташам ҳақиқий сарой. Бу ерда бир қатор адабий нашрларнинг таҳририятлари ҳам жойлашган.

Уюшма биносига туташ Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Адиблар хиёбони бунёд этилган бўлиб, бу ерда Хамид Олимжон, Фафур Фулом, Зулфия ва бошқа таниқли ўзбек адибларининг ҳайкаллари кўриш мумкин.

Хиёбон Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қарорига мувофиқ барпо этилган.

► 2

ЛИТЕРАТУРНАЯ
ГАЗЕТА

“БОЛАЛАР КИТОБИ” ФЕСТИВАЛИ

Жорий йилнинг 25-26 сентябрь кунлари Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятларда “Соғлом ва маънавий етук авлод — юрт келажиги!” шиори остида “Болалар китоби” республика фестивали ва китоблар кўргазмаси бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлоасини ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорига асосан, шунингдек, 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлаб ташкил этилди.

— Бугун мамлакатимизда шахсан Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китоб ва китобхонликни кенг тарғиб қилиш, соҳани янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди тадбирнинг очиқиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Файрат Махмуд. — Бу каби анжуманларнинг ташкил этилиши ижод аҳли олдида қўйилган вазифаларни бажариш асосида болаларда китоб ва китобхонликни муҳаббат уйғотишга хизмат қилади, деб ўйлаймиз. Ахборот технологиялари, айниқса, интернетнинг ёшлар ҳаётидаги ўрни тобора ортиб бораётган бир даврда уларни китоб ўқишга ундаш, даяват этиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Китобхон ёшлар сафини кенгай-



тириш, уларда китоб ўқиш иштиёқини уйғотиш учун турли йўл ва услублардан фойдаланишимиз зарур. Айниқса, болалар адабиётларини намойиш этиш орқали ўқувчиларнинг фикрларини билиш Ёзувчилар уюшмаси, қолаверса, нашриёт ва ижодкорлар учун ҳам муҳим саналади.

Фестиваль доирасида Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг кутубхона фондидан жой олган болалар адабиёти намуналари кўргазмаси, мамлакатимизнинг етакчи нашриётлари томонидан chop этилган болалар китоблари, жумладан, мумтоз адабиёт намуналари, энг сара бадий, маънавий-маърифий, энциклопедик китоблар тақдиротлари ўтказилди, шунингдек, четирмали китоб савдоси ташкил этилди. Ёш китоб-

хонлар учун болалар шоирлари, ёзувчилари ҳамда болалар адабиёти нашриётларининг ноширлари билан ижодий учрашувлар бўлиб ўтди.

— Шу кунларда ким бешта китоб ўқиди?, — деган савол билан ўз табригини бошлаган Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон болаларни китобни севишга, доимий равишда китоб мутлоала қилишга ундади.

Жажжи китобхонлар учун қизиқарли топшириқ ва саргузаштларга бой квест-уйинлар уюштирилди, “Китобларни қутлаймиз!” мавзусида театрлаштирилган концерт дастурлари намойиш этилди.

Суратда: Сирдарё вилоятида бўлиб ўтган тадбирдан қўришни.

ТАХРИРИЯТ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Давлат раҳбарининг хорижий мамлакатлардан таширф буюрган барча ёзувчиларни ҳайратда қолдирган бошқа аjoyиб қарорлари ҳам бор.

Ўзбекистонда замонавий жиҳозлар билан таъминланган ижод уйлари, болалар боғчалари, мактаб ва поликлинаикалар қурилмоқда, Ёзувчилар уюшмаси аъзолари оилаларига уй-жойлар ажратилмоқда, китоблар нашр қилиш, энг асосийси, уларни тарқатиш ишларига жиддий эътибор қаратилмоқда, қисқача айтганда, ижодий меҳнат учун барча имконият яратилмоқда.

Мен ижод аҳлига қаратилаётган бундай эътиборни МДХ давлатлари ичиди ҳеч қайси мамлакатда кўрмаганман.

Уйлайманки, нафақат биз, москвалик меҳмонлар, балки бошқа мамлакатлардан келган, жумладан, украиналик вакиллар ҳам Ўзбекистон Президентининг Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қабул қилган қарорларини яхши китобдек завқ билан кўз узмасдан ўқишди, қалбларида эътироф ва ҳавас туйғулари уйғонди.

Бизнинг мураккаб, тижоратнинг бешафқат кўтүси авж олган давримизда ёзувчи ва бадийи сўзининг даражасини тенглаштириб бўлмайдиган чўққига кўтарган замондошларимизга тасаннолар бўлсин.

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференция бунинг яна бир тасдиғидир.

Конференция иштирокчилари Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйишди, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини бориб кўришди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур университет ҳам ўзининг замонавий дизайни ҳамда салобатли янги хоналари билан бизни ҳайратда қолдирди. Бу, ўз навбатида, филология фанларини ўқитишга ҳам жиддий ёндашув бўлаётганидан далолат беради.

Конференциянинг умумий йиғилишини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг конференция иштирокчиларига йўллаган табригини Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н.Т.Йўлдошев ўқиб эшиттирди.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Дендер Бадарч, Озарбойжон Ёзувчилар бирлиги раиси Анор, Қозоғистон Ёзувчи-

лар уюшмаси раиси Улуғбек Есдавлат, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори Шухрат Сирожиддинов ва бошқалар табрик сўзларини айтдилар.

Ундан кейин конференция иши шуъбаларга бўлинган ҳолда давом этди. Уларда ўзбек адабиётини ўрганиш ва тарғиб қилиш масалалари, ўзбек адабиётини хорижий тилларга таржима қилиш муаммолари, халқаро адабий алоқаларни кенгайтириш бўйича долзарб тақлифлар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Минҳожиддин Мирзо раислик қилган ижодий музокаралар шуъбасидаги муҳокамалар эркин услубда олиб борилди.

Унда москвалик меҳмонлар ҳам йиғилганларни ўз наشرлари билан таъкидлашди.

Жумладан, «Иностранная литература» журнали бош муҳаррири Александр Ливергант, «Роман-газета» бош муҳаррири Юрий Козлов, «Литературная газета» бош муҳаррири ўринбосари Анастасия Ермакова, «Литературная газета» грант дастурлари директори Алексей Шавлов Россияда адабий-маданий йўналишдаги нашрлар олдида турган бугунги муаммо ва вазифалар ҳақида сўзлашдилар.

Озарбойжон Ёзувчилар бирлиги раиси Анор икки мамлакат — Ўзбекистон ва Озарбойжон ҳамда бошқа мамлакатлар ўртасидаги мустаҳкам маънавий алоқалар халқларни бирлаштиришни таъкидлаб ўтди.

Тожикистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Низом Қосим Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги адабий алоқалар тарихи минг йилларни ташкил этишини таъкидлади. Бугунги кунда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида тожик тилида ижод қилувчи адиблар шуъбаси фаолият олиб бормоқда.

Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Улуғбек Есдавлат икки халқ ўртасидаги азалий ижодий алоқалар тўғрисида тўхталиб, энг асосийси, тил мавжуд бўлса — миллат борлигини эсда тутиш лозимлигини айтди.

Шубҳасиз, «Звезда Востока» журнали бош муҳаррири ўринбосари Клавдия Панченконинг чиқиши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шунингдек, шуъба ишида Ўзбеки-

тон халқ ёзувчиси, «Тафаккур» журнали бош муҳаррири Эркин Аъзам, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири Ўктам Мирзаёв, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад, таржимон Бегийм Холбекова ва бошқалар ҳам бугунги адабий жараён ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтди.

Кейинги куни иштирокчиларнинг асосий қисми Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойларини кўриш учун саёҳатга йўл олди.

Анжуман доирасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда «Литературная газета» вакиллари ўртасида бугунги адабий жараёнлар ҳақида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Минҳожиддин Мирзо раислигида қизгин давра суҳбати бўлиб ўтди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ёзув-

шу йили сотиб олган серверга 600 ГВ ҳажмида электрон китобларни жойлаштириш мумкин. Бу серверга ўзбек тилидан хорижий тилларга қилинган бадий таржима китобларни жамлашни ўз олдимиизга мақсад қилиб қўйганмиз. Токи ундан дунёнинг турли мамлакатларидаги китобхонлар ҳам ўзи учун зарур асарни осон топа олсин.

Уюшма аъзолари ва уларнинг оилаларига хизмат кўрсатувчи поликлиникамиз фаолияти тобора яхшиланмоқда. Ўтган даврда мазкур тиббий муассаса ҳам тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

— Кенгашимиз интернетда ўз сайтини очган, унда фаолиятимизга доир энг сўнгги янгиликлар ёритилляпти, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси рус адабиёти шуъбаси раиси Владимир Васильев. — Ҳар бир қизиқувчи бу сайтга кириб, бемалол фойда-

ланиши мумкин. Сайтга «Звезда Востока» журнаlining 2012 йилдан то ҳозиргача бўлган барча сонлари жойлаштирилган. Ёзувчиларимиз асарларини ҳам ушбу сайтга жанрлар бўйича жойлаштиришга алоҳида аҳамият бераймиз.

— Илгари Ўзбекистон Миллий университети қошида Ёзувчилар уюшмасининг Адабиёт курси фаолият юрита эди. Бу йил Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети қошида ушбу курс қайта ташкил этилди, — дейди давра суҳбатининг яна бир иштирокчиси, адабиётшунос Адҳамбек Алимбеков. — Икки йиллик курсга жорий йил 25 нафар тингловчи қабул қилинди. Улар курсни битиргач, магистрлик дипломини қўлга киритади. Бу эса уларга ўқув муассасаларида дарс ўтиш ҳуқуқини ҳам тақдим этади.

Адабиёт курсидан ташқари, 6 та ижодий мактаб ҳам фаолият кўрсатмоқда. Улардаги ўғил-қизларнинг ўқиши ва яшаши учун барча харажатлар давлат томонидан қопланади, дарслар махсус дастур асосида ташкил этилади.

Умуман, ҳозир юртимизда ижодий жараён қизган. Тарихий ва замонавий мавзуларда кўплаб романлар яратилмоқда. Сўнгги йилларда, ҳатто шеърӣ романлар ҳам ёзилди. Холбуки, шеърӣ роман — ниятда камёб жанр. Бироқ наср ва назмга таққослаганда,

драматургияда оқсоқлик сезилиб қолмоқда. Тўғри, яхши драматик асарларимиз йўқ эмас. Улар асосида янги спектакллар сахнага ҳам қўйилляпти. Аммо театрларимиз бой драматургик репертуарга эга, деб мақтанишимизга ҳали эрта. Бу борада қаттиқ ишлаяймиз.

— Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари истиқболдаги аjoyиб режалар ва амалга оширилган ишлар ҳақида гапирди, — деди давра суҳбатида иштирок этган «Звезда Востока» журнали бош муҳаррири ўринбосари Клавдия Панченко. — Биз бу ўзгаришларни узоқ кутдик. Фақат кейинги пайтларга келиб барчаси ўзгара бошлади — янги бинолар қурилди, янги ноширлик имкониятлари очилди. Ишонманки, биз энди бу йўлдан ортга қайтмаймиз. Юз бераётган ўзгаришлар рус адабиёти равнақи учун ҳам,

ўзбек адабиёти ривожини учун ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Бизда шеърӣ тиз ривожланмоқда. Наср, асосан, кичик жанрларда ривожланмоқда. Катта асарларга кам қўл уриляпти. Фантастика, саргузашт асарларга иштиёқ сезилмоқда. Бироқ бундай асарлар, менинг назаримда, аниқ бир мақсадга қаратилмаган, шунчаки қоғоз қоралашдан иборат. Аммо етук ижодкорлар яратётган асарлар ҳам бор. Уларда реал воқеалик билан мустаҳкам алоқа борки, бу фикр юритишга, қиёслашга имконият туғдиради.

— Адабиётни жамоавий тарзда, яъни барча ёзувчиларни бирваракайига қўллаб-қувватлаш қийин масала. Бундай вазиятда сифат масаласи ўртага чиқади. Агар ёшлар адабиётини ҳақида гапирадиган бўлсак, унда сифат масаласига дарҳол аниқлик киритиш қийин, — деди шоир, носир, танқидчи Евгений Абдуллаев. — Бошқа ҳолларда — фонд томонидан эълон қилинадиган якка тартибдаги грантни олиш учун танловлар ўтказилади. Бу грант китоб нашр этиш ёки ижодий сафар харажатларига мўлжалланади. Яъни,ғолиб бирор бир ижод уйига янги асар ёзиш учун икки ойга жунаб кетади. Умид қиламанки, биз ҳам аста-секин мана шундай тизимга ўтамиз.

Ўзбекистондаги адабий муҳит ҳақида гапирганда, русийзабон ада-

биёт кўлами торайиб бораётганини ва бу табиий ҳол эканини таъкидлаш жоиз. Мен бизда ўзбек адабиёти гуркираб ривож топишини ва истеъдодли ўзбек ёзувчилар майдонга келишини жуда-жуда истардим. Рус адабиёти эса мана шу тўлқинда у билан қадам-бақадам ривож топарди.

Яна шундай муаммо ҳам мавжуд: адабиёт бор, ярқ этган номлар эса йўқ. Истеъдодли ёзувчилар бор, аммо муаллиф ва ном — бу бир нарса дегани эмас. Ёзувчининг номи Ўзбекистондан ташқарида ҳам маълум бўлиши керак. ...Гап шундаки, хорижда, мамлакатдан ташқарида эътироф этилмаган ёзувчи маҳаллий доирадаги муаллиф бўлиб қолаверади. Рус адабиёти эса Ўзбекистондан ташқарида ҳам маълум. Ўзбек адабиёти намуналари кўплаб европа тилларига таржима қилиниши керак. Бу борада ҳам барибир давлат кўмагисиз натижага эришиб бўлмайди.

— Ҳозир энг муҳими — ўзбек адабиёти қайси босқичда эканини аниглаб етиш. Дунё микёсида танилаётган айрим ёзувчилар ҳар доим ҳам катта истеъдод эгаси бўлавермайди, — деди таржимон, шоир Николай Ильин. — Ҳозир Ўзбекистонда миллиятнинг ички — шаклланиш жараёни кечмоқдаки, адабиёт бу жараённи аниглаш билан банд. Шу боисдан ҳам «Улуғ салтанат» роман-эпопеясининг яратилгани тасодиф эмас. Ёки Улуғбек Ҳаҳмаднинг «Елғизлик» кассиси. Ишончим комил, бизнинг адабиёт рус менталлигини ва Шарқни аниглаш туйғусини бирлаштира олади. Шу боис кун тартибда турган долзарб масала — таржима мактабларини яратиш. Бундай мактаблар ҳам рус, ҳам ўзбек адабиётини қўллаб-қувватлайди.

— Марк Твеннинг шундай иборасини ўқиган эдим: «Ҳозирча сенга иш ҳақи тўламасалар ҳам, сен барибир ишлайвер», — деди «Жаҳон адабиёти» журналоҳидими, шоир Даврон Ражаб мазкур давра суҳбатида ўз фикрини ифода этиб. — Мана шу ўғитга амал қилди, икки тилда поэтик альманах тайёрляппман, бизнинг рус дўстларимиз асарларини ўзбек тилига таржима қилляппман. Ишнинг ярми бажарилди...

Яқин орада кенг кўламли лойиҳани Навоийнинг бир неча асарларининг рус тилига қайта таржимасини амалга оширишни мўлжаллаб турибмиз.

Оксана СУДЬИНА ёзиб олди.

«Литературная газета»,
2018 йил, 19 — 25 сентябрь сони.

Уюшма фаолиятдан

УСТОЗ АДИБНИ ЁД ЭТИБ

Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлиги, Маданият ва санъат кўргазмаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ҳаёти ва ижодида бағишланган фотокўргазма ва адабий-бадий хотира тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда фан доктори, профессорлар Умарали Норматов, Баҳодир Каримов, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон, Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова каби таниқли ижодкор, санъаткорлар ҳамда адабнинг фарзандлари иштирок этиб, хотиралари билан ўртоқлашдилар.

Учрашув сўнггида Саид Аҳмад асарлари асосида яратилган спектакллардан саҳналар намойиш қилинди.

ЎЗБЕК — ЎЗ ОҒАМ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Расул Кушербаевнинг «Ўзбек — ўз оғам», «Алдарқўса хангомалари» номли китобларининг тақдироти Ёзувчилар уюшмасида Қозоқ миллий маданияти маркази ходимлари ҳамкорлигида ўтказилди.

«Ўзбек — ўз оғам» номли китобга қозоқ халқ мақоллари жамланган бўлса, «Алдарқўса хангомалари» қозоқ халқ оғзаки ижоди қаҳрамони Алдарқўса билан боғлиқ хангомаларни ўз ичига олган.

Тадбирда Махмуд Саъдий, Қозоқбой Йўлдошев, Икбол Мирзо каби адабиётшунос ва ижодкорлар мазкур нашр ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

ДИЙДОР АЗИЗ

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни байрами арафасида Гулистон шаҳридаги «Нуронийлар маскани»га бутун умри, билим ва меҳнатини ёшлар таълим-тарбиясига бағишлаган фидойи устозлар тақлиф этилди.

Ёзувчилар уюшмаси ҳамда «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлимлари биргаликда ташкил қилган тадбирда меҳнат фахрийлари учун дастурхон ёзилиб, концерт дастури намойиш этилди.


ҚАДАМЖОЛАР ТАРИХИДАН

СУЗУКОТА

Хожа Аҳмад Яссавийнинг қизи Гавҳари Хуш-тож (Хуштари) ва Туркистоннинг Қорачўқ қишлоғида яшаган халифаси Сулаймон Валининг ўғли Хожа Валининг фарзанди Аҳмад ал-Қорачиқий Шайх (Алихўжа Ҳазрат)дан уч ўғил — Ҳазрат Имом Шайх (Омади Шайх), Абдул Вали (Содон Хожа) ва Мустафоқул (Сузукота, тахминан 1130/40 — 1217) туғилган.

«Сайрам тарихи» рисоласидан қуйидаги битикларни ўқийсиз: «Бу ерда марқади муборак Ҳазрати Шайх Мустафоқули Хожанинг турбатлари бор. Эшон фарзанди аржуманд Ҳазрати Алихўжаота эрдилар, Ҳазрати Султон Хожа Аҳмаднинг қизларидан бўлган на-

Сузукота мақбараси. 1996 йил қайта қурилган.



биралари эрдилар. Ёш болалик вақтида боболарининг хизматига борур эрдилар. Ногоҳ боболарининг назари мубораклари тушиб, муҳаббат билан айтдиларки: «Манинг сузугим, хуш келдингиз! Манинг сузугим, хуш келдингиз!». Шунинг учун мардумлар Сузукота дейдилар.

Ривоят қилишларича, иссиқ ёз кунларининг бирида ўсмирлар қаторига қўшилган Мустафоқул, акалари ва отаси билан бирга экинни чопиқ қўлган чиқибди. Чарчаган ва чанкаган, қўллари қабарган Мустафоқулнинг оғзидан: «Экилгани қолсин, бегонаси чиқсин!» деган сўз чиқиб кетибди. Шу онда даладаги барча экинзор бегона ўтлардан тозаланиб қолибди.



боболари касбини давом эттириб келмоқда. Дастлаб бир неча оиладан иборат аҳоли кундан-кунга кўпайиб, катта маҳаллага айланган. Маҳаллада яшовчилар асосан хўжалар оиласига мансуб бўлгани учун у ерни хўжалар маҳалласи деб ҳам аташган.

Маҳалла аёллари ҳам ўзларига муносиб хунар билан машғул бўлган. Палак, сўзана, кашта, дўппи, қўйлак, нимча тикиб, қизларига ҳам бунди ўргатишган. Турмушга чиққан қизлар янги хонадонга борганидан кейин ҳам ўз касбини давом эттириб, рўзгорга ўз ҳиссасини қўшган.

Маҳалла аҳли шаҳар ташқарисидаги чекка жойларда боғ ва экинзорлар барпо қилиб, ёзда боғ ҳовлиларда деҳқончилик ва боғдорчилик билан шугулланиб, шаҳардаги ҳовлиларда қишлаган. Дала ҳовлилари асосан Самарқанд дарвоза, Қомолон дарвоза, Ўза, Қалъи, Чўпонота, Чилонзор Оқтепаси каби мавзеларда бўлган.

Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» китобида ёзилишича, Ўзбекхон тахтга ўтирганидан саккиз йил ўтгач, машойихлар ва мусулмонларнинг шайх, авлиёларнинг кутби, ҳазрати Зангиота ишораси билан ҳазрати Сайидота гувоҳлигида ҳижрий 720 (милодий 1320) йили исломни қабул қилиш шарафига муяссар бўлди. Сайидота Дашти Қипчоқ, Урал ва Волга бўйидаги халқларни мусулмон қилишда анча самарали меҳнат қиладди.

Сузукотанинг яна бир машҳур халифаси, қўшни маҳаллада яшаган Чўпонота бўлиб, у тахминан 1185 йили туғилган. Сузукотадан илм ўрганиб, унинг оқ фотиҳаси билан Самарқанддаги Чўпонота тепалигида салкам йигирма йил фаолият кўрсатган. Кейин Тошкентга қайтиб, шаҳарнинг четидидаги ҳозирги Чўпонота мавзесига кимсасиз ташландиқ ерларга сув чиқариб, боғ-роғлар барпо қилган. Одамлар қалбига эзгулик уруғини қадаган. У салкам бир аср умр кўриб, 1285 йили вафот этади ва шу мавзеге дафн қилинади. Тарих саҳифаларида ёзилишича, 1420 йили Мирзо Улуғбек унинг қабри узра шинамгина мақбара қурдирган экан.

Сузукота узоқ-яқиндан шифо истаб ёки бирор бир илтимос ва ҳожат талабига келганларга ёрдам берган. Саёҳатга чиқаётганларга бехатар сафар, тижоратчиларнинг савдосига барака ва ривож тилаган. Диёримиздаги шаҳарлар ва қўшни давлатлар билан савдо алоқаларини ўрнатиб, уста-хунаремандлар сармоясининг кўпайишига сабабчи бўлган. Бу тиниб-тинчимас зот ҳар бир катта қурилишга ўзи бош-қош бўлар экан. Нафақат ўзи яшаган маҳалла, балки қўшни Мирлар, Чукүркүприк, Ўқчи, Кўмирчи каби маҳаллаларда ҳам хунаремандчиликка асос солган.

...Сузукота билан бир даврда шаҳарнинг кўзга кўринган машҳур инсонлари умргузаронлик қилган. Зангиота (1162/65–1258) Сузукота яшаган маҳаллага қўшни бўлган мавзедаяшаган ва улар оналари томонидан қариндош (холавачча) бўлган.

Шайх Зайниддин бобо (1164–1259) Сузукота маҳалласидан икки маҳалла наридаги Қўкча мавзесига яшаган. Шайх Зайниддин бобонинг халифаси Хожа Нуриддин Басир (тахминан 1159–1242) ҳам Сузукота билан учрашиб, суҳбатлашган.

Сузукотанинг икки фарзанди ёш вафот этган. Уч ўғил ва уч қизи отасининг эзгу ишларини давом эттирган. Ўғиллари — Шайх Абулқосим, Шайх Абдуллоҳ ва Хожа Абдулхай, қизлари — София, Эшонгули ва Нурбиби.

Шайх Абулқосимнинг авлодлари Европа мамлакатларида ва АҚШда ҳам бор. Шайх Абдуллоҳ авлодининг қўнчилиги Шарқ мамлакатларида умр кечирмоқда.

София қизлари «Каттабўғ» кўчасидаги Эшонгузар маҳалласига келин бўлиб тушган. Эшонгулар эса «Чигатоғ» маҳалласига келин бўлган. Усталар ёки Хўжалар деб аталган маҳалла Сузукотанинг вафотидан кейин Сузукота маҳалласи деб аталган.

Асқар ҳожи ОБИДОВ,
Сузукота маҳалла фуқароси

Адабий жараён: муаммолар ва мулоҳазалар



1. Кимдир адабиётимиз юксалиш палласида деса, кимдир бунинг аксини тасдиқлайди. Сизнингча, қай бири ҳақ ва нега?
2. Ҳозирги адабий жараёнда қайси муаммо сизни энг кўп ташвишга солади? Ушбу муаммони бартараф этишнинг қандай самарали йўлини кўрсата olasiz?
3. Кейинги пайтда замондош адибларимиздан кимларнинг китобларини ўқидингиз? Қайси асар сизга маъқул келди-ю, қайси асардан кўнглингиз тўлмади? Бунинг сабаблари нимада?

Мазкур анкета ёрдамида бугунги адабий жараённинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида бир қур фикрлашиб олсак, фойдадан холи бўлмас. Ахир, айтадилар-ку, "Кенгашли тўй — тарқамас", деб. Шундай эзгу ният ила анкетамиз саволларига навбатдаги жавобни эътиборингизга ҳавола этаётимиз.

1. Биров адабиётимиз ҳозир ўсиш палласида дер, бошқиси эса аксинча дея далил келтирар, аммо ҳар икки ҳолда ҳам атиги борини қайд этган бўламиз, холос. Қанақа деб баҳоласак ҳам, бунинг адабий жараёнга ҳеч таъсири йўқ. Шунинг учун мен бошқа бир гапни айтиб кўрай.

Далани қайта-қайта ағдариб ҳайдаб, ўсиб турган жами набототни тупроққа қўмиб ташласангиз ҳам, эрта-индин яна янги ниҳоллар ниш ура бошлаганини кўрасиз. Сув қўйиб, озгина парвариш қилинса, гуржираб кетади, ҳаммаёқ яшилликка бурканади.

Эл-юрт бамисоли шу дала, бу заминнинг сизу биз ҳеч кутмаган бир ерларидан янги-янги истеъодлар бўй чўза беради. Ахир, қаранг, бундан саксон йиллар бурун — 1937-38 йиллардаги мўдҳиш қатагонлардан кейин ҳам ўзбек сўз санъатида, маданиятида катта бир кўтарилиш бўлган-ку: Ғафур Ғулом, Ойбек, Хамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳордек адиблар, Аброр Ҳидоят, Наби Ғаниевдек санъаткорлар қандай улуг асарларни майдонга келтиришган!

Назаримда, бугун ўзбек сўз санъати ва умуман, маданиятимиз юксалиш арафасида, шунинг тўлғоғи билан тургандек. Нимага десангиз, адабиётга яна алоҳида эътибор берилла бошлади, ижод аҳлининг кўнглида умид, ишонч уйғонди. Ахир, руҳланмаган шоир, маънос ёзувчи, тушқун рассомнинг қўли қаламга бормади, ўзини қистаб "ижод" қилса, зўраки бирон нимани майдонга қўйган бўлади. Аммо елкасига офтоб теккан ижодкор ҳатто ўзи ҳам ҳайратда қоладиган нарсаларни яратиб қолди.

2. Кенг, яъни фалсафий маънода, ҳеч бир муаммо мени ташвишга солмайди. Зеро, муаммо бўлсагина кураш юзига чиқади, ўсиш-ривожланишнинг сари бўлади. Таъассуф қилинган муаммо — йўқ! Бунда адабиёт ўлади, ўлмас ҳам, худди конфликтсизлик назарияси ҳукми сурган даврлардаги каби, бору йўқдай бўлиб кун кўради. Турмушдаги муаммолар сўз санъати ривож учун қай даражада туртки берса, адабий жараён ичидаги муаммолар ҳам шу қадар керак.

Ҳўп, шу борадаги икки ташвишимни ўртага солай. Бири — китоб ўқишни оммалаштириш масаласи. Хабарингиз бор, яқин икки йилдан бери китобхонлик хўп тарғиб қилинди: байрамлар ўтказиб турилади, китобхонлар орасида танловлар уюштирилиб, қўлларга ҳатто автомашиналар берилди.

Аммо нима қилайлики, китобхонлик биз кутган даражада тез ўсиб кетмаяпти. Ўттиз

уч миллионлик элнинг етти ёшлисидан етмиш яшаригача саводхон ҳисобланган мамлакатимизда чоп этилаётган китоблар тиражи жуда кам. Ҳеч ким поездларда, автобусларда, метроларда бошқа юрт кишиларидек китоб ўқиб кетмайди, нари борса, телефон ўйнайди.

Менингча, фақат бир шароитда — ўқиганлар ўқимаганлардан яхшироқ яшаса, жамиятда обрўлироқ саналса, ўша миллат ўқий бошлайди. Бундай жамиятда ахлоқ юксалади, жиноят камаяди. Ҳозир, ишқилиб рост

ланган бўлса, М.Зоҳидова асарида бунинг акси — бир хонадондаги одамларнинг ўзаро муносабати, тушунарли-тушунмас хатти-ҳаракатлари итнинг кечинмалари орқали баён қилинади. Ва бу, албатта, чандон мушкул тажриба. Хайриятки, ёш адиба бунинг урдада! Шундан кейин интернетни қовлаб, М.Зоҳидова ёзган яна беш-ўнта ҳикояни топиб ўқидим. Ижодкор сифатида бу сингилмиз ёзганларининг энг катта фазилати, менингча — уларни аёл киши ёзгани сезилмаслигидир. Бошқа адибаларимиздан уэр сўрайман, лекин, очиги, кўпларида мавзу танлашдан тортиб тасвир ва ифода воситаларини қўллашига қадар, ҳамма жойда бу — аёл ижодкорнинг махсули экани, ўқувчи шуни ҳам ҳисобга олиб, қандайдир "чегирма" қилиши лозимлиги сезилиб туради-да!

Яқинда ўзини Муҳаммад Сиддиқ деб таништирган бир йигит "Пастлаб учган турналар" деган миттигина шеърли китобини ҳада қилди. Очиғи, насрий асар муталаасини кўпроқ ёқтираман. Шу сабаб китобчининг нари-бери варақлаган бўлдим. Аммо иттифоқо шу сатрлар кўзимга ўтмай урилди:

Ойинг этак билан ёпиб бўлмайди,
Лекин ўтганини айтиб ўзимдан.
Баноғох учраган бир пушти рўмол
Бутун дунёларинг ёпти кўзимдан.
Ёр бошига тангиган биргина пушти рўмол
Кўзимдан ой тугул, бутун дунёни ёпишга қодир!
Мана шунинг ўзи топилиди! Муҳаммад Сиддиқнинг бошқа шеърларида ҳам сўзлар жилва қилади, янги-янги талқинларда намоён бўлади.

Албатта, мен бу икки ёш муаллиф асарларини фавқуллоҳда кашфётлар, деб баҳолашдан йироқман. Ҳар бир ўқувчи улар билан танишиб, ўзи баҳо бера қолсин. Аммо бу қаламқашлар янги гап айтишга интиляпти, шунга озми-кўпми эришяпти ҳам. Тажрибадан қўчийишмайпти, изланишяпти. Ахир, ижод соҳасида тажриба, ҳатто муваффақиятдан ҳам устун туради.

Ана энди, анкетадаги биринчи саволга жавоб бериш лозим кўринса, мен ҳозир адабиётимиз ўсиш палласида, деган бўлардим. Ўхти-мол, унинг сўрагани биз кутганчилик эмасдир, бироз сокинроқ, бироз салқинроқдир. Аммо бундай сокинлик асар ҳолларда кейинги шиддатли ўқишларга дебона бўлиши бор гап.

Абдулла Қаҳҳор "Ўзбек адабиёти келажакда буюк адабиёт бўлади", деб баъшорат қилган эди, "Ўша кун қачон келаркан", дея улуг адибнинг гапи рўёбга чиқишини ҳаммамиз интизор бўлиб кутаётимиз-ку.

Зухриддин ИСОМИДИНОВ

БОЛАЛАРНИ СЎЙГАН ШОИРА



Маишхур француз адиби Антуан де Сент-Экзюпери "Кичик шаҳзода" асарига бағишловиди: "Аслида, катталарнинг ҳаммаси ҳам аввал-бошда ёш бола бўлган, аммо уларнинг айримларига бунинг эсдан чиқармайди, Менингча, болалар шоирлари болалик даврини унутиб юбормасан шундай катталар орасидан етишиб чиқса керак. Ўзида болалик хислатларини сақлаб қолган катталар орасидан, десак яна ҳам тўғрироқ бўлар. Ҳар қалай, мен болалар шоираси Кавсар Турдиевада ана шу фикрнинг тасдиғини кўраман.

Кавсар опа билан боғлиқ бир манзарани кўп кузатганман. Болалар бу шоира опамизни кўрганда дарров танимаслиги мумкин, аммо шеърларини, албатта, ўқишган, ҳатто ёд ҳам олишган. Ахир, унинг талай шеърлари мактаб дарсликларига ҳам киритилган-да. Ўзоққа бориб нима қилдим: ўзимнинг фарзандларим шоиранинг "Топган тоғалоқ" китобини бошдан-оёқ ёддан билади.

Сир эмас, болалар адабиёти таълимий-тарбиявий хусусиятга эга бўлиши лозим. Бу эса ёзувчилик истеъдодидан ташқари педагогик қобилиятини ҳам тақозо этади. Кавсар опа таълимий-тарбиявий ғояларни болалар онгига синдириш учун турли бадиий усуллар қидиради.

Шундай усуллардан бири воқеабандликдир. Муаллифнинг талай шеърларини болалар ҳаётидан олинган кичик лавҳалар дейиш мумкин. Чунончи, у ўғил-қизлар қалбига дўстга садоқат ҳиссини синдириш учун икки бола-нинг ўзаро суҳбати усулидан фойдаланади. Болалардан бири бошқасига "Кел, ўйинчоқларимизни алмаштирамиз, — деб таклиф қилади. — Мен сенга қайиқчани берай, сен эса менга айиқчангни бер!" Бироқ анови бола бу таклифга кўнмади, чунки:

Айиқ — дўстим! Дўстларни
Алиштириб бўлмайди!

Кавсар опа кўп қўллайдиган яна бир восита болалар фантазиясига туртки беришдир. Ўғил-қизларимиз саводхон бўлиши, беҳато ёзиши гоъ мумкин, албатта. Аммо бу фикр қай шаклда айтилса, болаларга осонроқ сингади? Шоира "Бўлинг ҳарфга ҳурматда" номли шеърда бунинг ниҳоятда қулай шаклини топган. У бир ҳарфнинг туширилиб қолдирилиши ёки бошқасига алмаштирилиши қандай хунук оқибатларга олиб келишини қўйидагича ифодаляпти:

Бир ҳарф деб бутун "қишлоқ"
Бўлиб қолади "пишлоқ"...

Ёки:

Шундай ҳолга келдим дуч:
Битта ҳарфдан ҳатто "куч"

Ўзгарди-ю, бўлди "пуч",
"П" қочди-ю, бўлди "уч"...

Бу шеърни ўқиган бола ҳарфларини тўғри ёзиш нечоғли аҳамиятли эканини тез фаҳмлаб олади.

Кавсар опа бот-бот қўллайдиган яна бир усул шеърни ўйин асосига қуришдир. "Тандиримиз" номли шеър айнан шундай асарлар сирасига қиради. Бу шеърни боғча тар-

биячиси ёки мактаб ўқитувчиси раҳбарлигида қўл ҳаракатлари билан уйғун ўқиш мақсада мувофиқ. Ана шунда болалар тандирда нон ёпиш жараёнини бутун тафсилоти билан аниқ билиб олади. Чунончи:

Ясаймиз биз, ясаймиз биз
Кулчалар, кулчалар,
(Болалар кулчалар яса ҳаракатини бажарадилар.)

Чиройлидир кулчалар
шунчалар, шунчалар.
(Болалар кулчаларни кўз-кўз қилиш ҳаракатини бажарадилар.)

Ўқоридаги иқтибослардан Кавсар Турдиева шеърини оҳангга нақадар бойлиги яққол кўриниб турибди. Унинг аксар шеърларида гўё сўз оҳанг билан эгиз туғилгандек таассурот уйғотади. Шу боисданми, А.Назаров, Ш.Ерматов каби таниқли бастакорлар шоира шеърлари асосида талай қўшиқлар ижод этган.

Кавсар опа болалар билан мулоқотнинг наинки адабиёт, балки кино ва театр каби турларидан ҳам самарали фойдаланишга интилади. У ўзбек болаларининг семимли киножурнали "Зумраша" учун бир неча қувноқ миниатюралар ёзиб берган. Адибанинг сценарийлари асосида "Катта ойи" бадиий фильми, "Зумрад ва Қўмнат", "Сумалак ва минг тилла" каби мультфильмлар суратга олинган. Шунингдек, "Тошқесарлар мамлакатиди" спектакли Самарқанд қўғирчоқ театрида сахнага қўйилган.

Тошкент Педиятрия-тиббий институтининг ўзбек, рус ва лотин тиллари кафедрасига мудирлик қилаётган Кавсар Турдиева илмий фаолиятини ҳам болалар адабиёти билан боғлагани диққатга сазовор. 1994 йилда ҳозирги замон болалар шеърини адабиётимизга муаммолари мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган олимпиада айти пайтда сўнгги давр ўзбек болалар адабиётининг ривожланиш тамойиллари бўйича докторлик диссертацияси устиди ишлаётди.

Кавсар опа институт талабалари орасидан иқтидорли ёшларни саралаб, уларга "Нишона" адабий тўғарада ижод силари эришмай ўрғатади. Тўғарак аъзолари азиз устозларининг муборак ёшани "Нишона"нинг нишонлари" тўғламани нашрга тайёрлаб билан қарши олаётгани гоъ қувонарлидир.

Гулнор КУРАМБЕОВА,
филология фанлари номзоди

Уюшма фаолиятидан

НАВОИЙГА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Навоий ғазалиёти талқинлари" номли китоб тақдимоти бўлиб ўтди. Унда таниқли адиблар, шоирлар ва танқидчилар иштирок этишди. Ушбу тўғламда маълум ва машҳур навоийшунос олимларнинг ҳазрат Алишер Навоийнинг икки юздан зиёда ғазалига ёзган шарҳ ва талқинлари жамланган.

Тақдимотда сўзга чиққан Муҳаммаджон Имомназаров, Омонулло Мадаев, Сувои Мелиев, Ашуралӣ Жўраев, Робия Ражабова сингари адабиётшунослар ва ижодкорлар ушбу нашр улуг шоир меросини ўрганиш, ундан чинакам баҳраманд бўлишда барча ёш ва тоифадаги китобхонларга жуда қўл келишини таъкидлашди ва китобдаги мақолаларни тўғлаб, тартиб бериб нашрга тайёрлагани ва ўзи ҳам бир неча шарҳлар ёзган филология фанлари доктори Нусратулло Жумахўжанинг хизматини эътироф этишди.

Дарҳақиқат, "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган "Навоий ғазалиёти талқинлари" китоби улуг шоир меросини тушуниб ўқиш, унинг замиридаги теранлигини англашда китобхонлар учун ҳам, ўқитувчи-мураббийлар ва мутахассислар учун ҳам ўзига хос манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Зеро, китобга таниқли навоийшунос олимлар Н.Маллаев, А.Рустамов, Ё.Исҳоқов, Н.Қомил, Н.Жумахўжа, атоқли шоир Э.Воҳидовнинг Навоий ғазалларига ёзган шарҳлари, бу дурдона асарларнинг чуқур талқинлари жамланган.

Мазкур шарҳ талқинларнинг тўғловчиси, тузувчи ва нашрга тайёрловчиси филология фанлари доктори Нусратулло Жумахўжа. Унинг китобга ёзган сўзбошида таъкидланишича, тўғламда ғазаллар ва уларнинг шарҳлари "Ҳазойин ул-маоний"даги девонлар изчиллиги тартибда ҳамда девонда тутган ўрнига асосан жойлаштирилган.

Китобдан, асосан, ғазал жанридаги асарларга кенг ўрин берилган. "Келажакда барча жанрдаги асарлар тўлиқ қамраб олинishi кўзда тутилди, — дейилади сўзбошида. — Айрим машҳур ғазалларга яратилган бир неча шарҳлардан биттаси танлаб киритилди. Баъзи мақолаларда шундай шарҳларнинг қиёсий таҳлили ўрин олди. Шунга ҳам эътибор берилдики, фақат омалашган ва давр синовидадан ўтган, яъни муаллифларнинг ўз китоблари ёки матбуотда чоп этилган шарҳларига мажмуага киритилди".



Дастлаб заводдаги янгликлар ҳақида ёзсам, "Тошкент ҳақиқати" газетасига бо-сишармикан, дея минг андиша билан кичик-кичик хабарларни юбора бошловдим, омадим чоғганини қарангки, хабарларим улзускиз босилиб турибди-да!

Ҳар кунга газетанинг янги сонини интиқ кутаман. Газетада фамилиямга кўзим тушди-ми, тамом, бўй-бастим бир қарич ўсган-дек бўлаверди.

Кўнларнинг бирида газета таҳририятидан хат келиб қолди. Шоша-пиша очиб қарасам, сановат ва транспорт бўлими мудир Исмоил Сулаймонов имзо чекибди. Унда қорхонадаги ишлаб чиқариш жараёнлари, рационализаторлик таклифлари, янги технологиялар ва ҳатто камчиликлар тўғрисида ҳам ёзиш илтимос қилинибди. Бу мактуб руҳимни кўтариб, янада кўпроқ ёзишга илҳомлантириб юборди. Гоҳи-гоҳида вақт топиб, газета таҳририятига қадам ранжида ҳам қиламан.

Ўша йиллар "Тошкент ҳақиқати" газетаси қошида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент шаҳар бўлимининг икки йиллик ишчи-муҳбирлар университетини ташкил қилган эди. Ҳафтада бир марта бўладиган машғулотларга мен ҳам жон деб қатнай бошладим. Дарсларда тажрибали журналистлар, таниқли ижодкорларнинг маърузаларини тинглардик. 60-70 нафар тингловчи қатнаётган машғулотлар

1958 йили институтни битирдим-у, "Ўзбеккишлоқмаиш" заводига инженер-конструктор бўлиб ишга жойлашдим. Бу завод дегани аксар идоралардаги каби кечгача юмшоққина стулга чўқволиб, бир ерда қоқилган қозикдек қишда кетаверадиган даргоҳ эмас экан. Цехлардаги тарақа-туруқ, гумбиза-гум товушлар бир-бирига қўшилиб қулоқни қаматга келтирар эди. Мен ҳам ўз касбимдан мамнун ҳолда ана шу "дошқозон"га шўнғиб кетдим. Атрофга бундай зингил солиб қарасам, матбуотбоп материаллар гиж-гиж.

жуда қизиқарли, савол-жавобга қой, кўтаринки руҳда ўтарди. Биз тингловчиларга мақола, очерк, ҳикоя, фелетон қандай ёзилиши ҳақида сабоқ беришар эди. Ўқишга қатнаб юрган кезларим "Тошкент ҳақиқати" газетаси таҳририятига серкатнов, ўрта бўйли, тийрак, доим лабида табассум, йигирма ёшлар атрофидаги жижаккина бир йигит мен билан бот-бот саломлашадиган

Мана, икковлон сўлим, роҳатбахш қирғоқда ўтирибмиз. Таомдан сўнг суҳбатдошим папирос тутатди-да, аввал бир чўқур хўрсиниб олиб, сўнг ўз ҳаётиндан гап бошлади...

Қаерда ким билан ўтирганимни ҳам унутиб, унинг ҳаяжонли ҳикоясини бамисоли нафас олмай тинглардим. Бошига тушган оғир севги изтиробини кичиккина жуссасида қандай кўтариб юрганига лол қолиб, бола

СОҲИЛДАГИ ГУРУНГ

бўлиб қолди. Ўзи кичкинагина бўлса ҳам катта адабиёт ҳақида лўнда гапларни айтиб, кишини лол қолдиради денг. Кўзимга ёш бола бўлиб кўринган бу йигитчани тинглаб, гоҳ хайратланаман, гоҳ энсам қотади. «Ё, тавба! Адабиёт ҳақида шунча гапни қаердан биларкан», деб ёқамни ушлайман.

Бир гал заводда ишлайдиган илғор аёл ҳақида мақола ёзиб, "Қани, ўқитиб кўрайчи, нима фикр билдираркан", деб унга кўрсатдим. У мақолани синчиклаб ўқиб чиққач, "Мошқичирини гулдор сопол лаганга сузиб келди" жумласини овоз чиқариб ўқиди-да, ҳаётий чиқибди деб мактаб қўйди. Сўнг қаерини қандай тузатиш, қайси ғализ жумладан воз кечиш, умуман, қандай қилиб янада бадиийлаштириш ҳақида гапириб, худди катта ёзувчилардек ўз таклифларини баён этди. «Астафирулло!» дедим-у, бошимни қашиганча лом-мим деёлмай қолдим.

Орадан кўп ўтмай у мени ўзига яқин тутиб, «Сиз билан бир суҳбат қуриб ўтиргим келди, йўқ деманг, Жаҳонгир ака», деб ўрдадаги «Анхор» кафесяга таклиф қилди. «Бу болада бир гап бор-ов», деб таклифни рад эта олмадим.

фақирга юрагим эзилди. Йигит сўзини тутатгач, «Сиз нима дейсиз?», дея савол берди-да, кўзларимга тикилди. Мен эса нима дейишимни билмай каловланиб турардим.

Бундан роппа-роса 55 йил аввал анхор соҳилида сидқидилдан қурилган суҳбат кечагидек ёдимда.

«Нима бўпти суҳбат қурган бўлсангиз? Ҳар ким ҳам бошқа биров билан ҳар ерда бунақа суҳбат қуриши мумкин-ку», дерсиз. Лекин ўша суҳбатдошим ҳеч кимга қиёслаб бўлмайдиган, ўхшаши йўқ инсон эди-да десам, балки ишонмасиз.

Мана шу — бўй-баста елкамдан келар-келмас, мен дастлаб ёш бола деб, кўп ҳам писанд қилмаган жижаккина йигит ҳали университетни битирмай турган, талабалик йилларида — 22 ёшида «Чўл ҳавоси» деган қиссани қойилмақом қилиб ёзиб, Абдулла Қаҳҳордек атоқли ёзувчи мактовига сазовор бўлган, умрбоқий ҳикоя, қисса, роман ва пьесалари билан муҳлислар қалбини забт этган адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Хошимов эди!

Унинг асарларини қайта-қайта ўқимаган китобхон, китоблари кириб бормаган хонадон бўлмаса керак. Жумладан, камини ҳам Ўткир Хошимовнинг барча асар-

ларини мароқ билан ўқиб чиққанман ва ҳамон қайта-қайта ўқийман.

1965 йилда ёзувчининг «Одамлар нима деркин?» номли қиссаси дунё юзини кўрди. Ёзувчи ўшанда менга қиссадаги воқеани ўз бошидан кечиргандек ҳикоя қилиб берган экан! Балки ўз бошидан кечиргани ростдир, балки бошқа одамнинг бошидан ўтандир. Бу — менга қоронғи. Аммо каминига берилган «Сиз нима дейсиз?» деган савол «Одамлар нима деркин?» деган қисса номига айнан мос келиши ажиб!

Ўткир Хошимов ижоди ҳақида адабиётшунос олимлар, ҳаммаслар, ҳатто китобхонлар ҳам кўп ёзишган. Келажакда унинг ижоди ҳақида яна қўлғаб тадқиқотлар яратилади.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ ёзувчиси Саид Аҳмад Ўткир Хошимов ҳақида: «Расом ҳам яратётган асарини неча мартабала, орқага бир-икки қадам чекиниб кузатади. Мен ҳам Ўткирни сал наридан туриб кўрмоқчи бўлдим... Ана шундан кейин мўъжизага ўхшаган бир ҳолатни сездим. Мен унчалик писанд қилмаган, баъзан назаримга илмган ёзувчи бола кўз олдимда юксалиб, чинакам санъаткорга айланди», деган бўлса, Ўзбекистон Қаҳрамони, семимли шоиримиз Эркин Воҳидов бир ҳазил шеърда:

Гарчи етмас-да ёши ёшимга,
Гал бермайди, чиқиб олган бошимга.

Ўзи ҳам, сўзи ҳам, кўзи ҳам ўткир,
Тан бермай илож йўқ Ўткир Хошимга —

дея беозор қулга қараш алқанга.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби, Давлат мукофоти совриндори Ўткир Хошимов асарларини миллионлаб китобхонлар қўлдан қўймай ўқиган, улар ҳозир ҳам севиб ўқилмоқда, шубҳасиз, бундан буён ҳам ўқилаверади.

Жаҳонгир ПИРМУХАМЕДОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

Фармон ҚАРНАБИЙ

ОЙ НЕЧУН, ОФТОБ НЕЧУНДИР...



Мулки олам ичра менга
жонона йўқ сендан бўлак,
Ошиқ аҳли ичра содиқ
парвона йўқ менадан бўлак.

Ашки чашимдан жунун саҳроси ҳам
алвон бўлур,
Ўртаниб куйган, дили сўзона
йўқ менадан бўлак.

Ишқ менинг туйғуларимни элга ошкор
айлади,
Сен такаллум айламайсан, пинҳона
йўқ сендан бўлак.

Барча ошиқ талпинурлар васлингга
етмоқ учун,
Сенга лек, жоним, ишонгил,
ҳамхона йўқ менадан бўлак.

Ой нечун, Офтоб нечундир —
хуш чиройинг олдида,
Истасанг, жонимни олгил,
мардона йўқ менадан бўлак.

Васфи васлинг — матлаби дил,
биттай ани Фармон мудом,
Андалибек зору полон
девона йўқ менадан бўлак.

Бир ҳимматинг асида
бир дуога еттулик,
Мақсалинг эрса аён —
мудлоага еттулик.

Илм иста, илмининг
фазилати бисёрдир,
Ҳар ўқишнинг қиймати
кўп маънога еттулик.

Муҳаббатинг пеш қилиб,
айюҳаннос солмагин,
Кўздаги сийрати ишқ
дилрабога еттулик.

Панду насиҳатни кўп
этма мажлис аҳлига,
Бир ибратли дутф, ҳатто
минг донога еттулик.

Назари паст бўлмагин,
кўзда ошкор эътибор,
Беписанда қараш ҳам
идлоага еттулик.

Фармоно, умринг бўйи
эзгу ният-ла яша,
Саховат ва ҳимматинг
Таолога еттулик.

Аё дўстлар, ўзи ошно
дили бегонадин доғман,
Улусни гоҳ этиб туфроқ,
ўзи осмонадин доғман.

Бирор ишни тугал ижро этишга
ул эмас мойил,
Вале шухратгалаб доим,
сўзи кибронадин доғман.

Бемаврид келмағай ҳеч ким,
бемаврид лек кетар гоҳи,
Бемаврид гар келур эрса
ажал, паймонадин доғман.

Машаққатсиз топиб давлат,
ўзича боз тўкиб савлат,
Кеча-кундуз айш-ишрат
қилур шодонадин доғман.

Писанд этмай ғарибларни,
амалдорга этар қуллук,
Лаганбардор, фаросатсиз,
суяқ парвонадин доғман.

Ўзи тўйса, кўзи тўймас,
тағин нолишини қўймас,
Шукрсиз ҳам қаноатсиз
тажанг ҳамхонадин доғман.

Нетонг, Фармон қаби элда
эрур бисёр дили танлар,
Гоҳи нодонлар қолган
давр, давронадин доғман.

Қайда йўқим тоғу сой
сабалар бўлмағай ҳаргиз,
Фармон, дилдаги ишқим
Муҳаббатсиз юракларда

наволар бўлмағай ҳаргиз.
Магар сарбони элпарвар,
магар манзил аён, равшан,
Бу хил юртда на офат, ғам,
балолар бўлмағай ҳаргиз.
Шуурда гар илм камёб —
жаҳолатта етаклайдур,
Зиё келмас умрларда
сафолар бўлмағай ҳаргиз.
Вужудинг асрагил доим
ножонс нафсу ишлардан,
Ёшинг ўтганда иллатга
даволар бўлмағай ҳаргиз.
Қайдаким эрку алолат
топмаса қадрин, ўшал
Элдаким содиқ ўғил-қиз
фидолар бўлмағай ҳаргиз.
Магар ёзганларинг, Фармон,
юракларга сурур бермас,
Уларга эътибор элдин,
баҳолар бўлмағай ҳаргиз.

Ватан

Бетакрор, беназирим,
Ягона — Ўзбекистон.
Камалиминг истаган
Парвонам — Ўзбекистон.

Замину ҳам фалакда
Номин абадий ўлка.
Олам аро тенги йўқ
Хур олам — Ўзбекистон.

Ўтмиши шон-шарафли,
Бугуни ҳам ҳавасли.
Маърифатли одамга
Ҳамхонам — Ўзбекистон.

Бундай ўлка биттадир,
Бундайин Ватан нодир.
Бахтли бўлсин, дер доим
Ҳар болам — Ўзбекистон.

Отамлайин пурҳикмат,
Онамлайин беминнат
Посбоним ҳам гурурим
Мардонам — Ўзбекистон.

Ҳар кимники ўзига —
Ой кўринар кўзига.
Шул сабаб тилимдаги
Таронам — Ўзбекистон.

Номин айтсам, кўзда нур,
Кўнгилда фахр, сурур.
Фармон, дилдаги ишқим
Ҳаволам — Ўзбекистон.

Назира ЎРОҚОВА



Қахрамоним

Лекин фақат борлигинг учун,
Қахрамоним, сенга ташаккур.
Эркин ВОҲИДОВ

Суйган қахрамоним, борингга шукр,
Дилмда яшайди номинг ҳамоҳанг.
Бахшида этурсан шууримга нур,
Дунё жилваланад менга турфа ранг.

Фарҳолга эш бўлиб ошасан тоғлар,
Савдойи Мажнундек ўйга ботасан,
Лайлию Ширин-ла кезасан боғлар,
Гўзаллик олдидан ҳайрон қоласан.

Борим, вужудимда сени ҳис қилиб,
Оташ нафасингни сезиб тураман.
Сен йиғлаган дамлар тугдай тўкилиб,
Оламин унутиб ҳаёл сураман.

Далада тинмайсан сен — асл деҳқон,
Қалбингга заминга оташ муҳаббат.
Қўлларингга боқиб келтиргум иймон,
Тинмас соҳибкорим, қадр топ абад.

Гоҳ мунис аёлсан, бокира сингил,
Изтироб, аламинг бўлар намоён.
Сўнгсиз соғинчларда бўзлаган бир дил,
Юрагимда умид кўтарган тугён.

Жажжи болакайсан — нигоҳи мастум,
Умидлар шуъласи қалбимга чироқ.
Лабларингга ўйнар мангу табассум,
Дилимни ўртагай сен чеккан фироқ.

Меҳрибон онасан, тенгсиз улуг зот,
Отасан, келажак фидосиларсан.
Сен билан ҳайратга тўладир ҳаёт,
Сен умрим мазмуни, маъносидирсан.

Ўн саккизда эмасдир ёшим,
Аммо кўнгил ёшлиқда қолган.
Капалаклар, қушлар сирдошим —
Юрагимга ғалаён солган.

Кўнглингизда неки сир бордир,
Сезадирман кўз қирингиздан.

Н.Ўроқова Қариш шаҳридаги 6-умумтаълим мактабининг директори. Халқ таълими аълочиси. Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси аъзоси. "Ижодкор ўқитувчи — 2004" Республика семинари иштирокчиси. "Муаттар дунё", "Олисдаги ҳаёл" сингари шеърый тўпламлари чоп этилган.

ҲИСЛАРИМИНИ
СОЛАРМАН
КЎЙГА

Ҳисларимни соларман куйга,
Илҳом олиб шивирингиздан.

Биз яқинимиз шунчалар, аммо
Ўртағамизда чегара — гурур.
Сизга элтар манзилим ёруғ,
Сиз — ҳаёлим ёритган оқ нур.

Ёлғизлик

Ҳали олис борар манзилим,
Ҳаёлимда меҳрдан кўроқ.
Тунда порлаб юлдузлар жим-жим,
Борлигимга солади титроқ.

Ниш уради орзуо ҳавас,
Дилим ёқар ўтли муҳаббат.
Юрагимдан ёчилар бир сас:
«Олислашиб кетма сен фақат...»

Вужудимни эзди бир ғам,
Бир дам ўзи ёлғиз сезаман.
Овунч бўлар қоғозу қалам,
Ҳаёлимда дунё кезаман.

Ашағили келар

Пурвиқор тоғларга чўзаман қўлим,
Беадад армонлар бағримни тилар.
Висол манзилига етмаса йўлим,
Ялғизга айланиб бўй соғим келар.

Бетин шовуллаган дарё мавжида,
Инжу шодасидек келади қолғум.
Ҳали чиққани йўқ куйим авжига,
Ҳали дунёларни ҳайратга солғум.

Балки куйлолладим имкондан ортиқ,
Гоҳ ёниб кетаман рашкдан, аламдан.
Шукр, менга илҳом этилмиши тортиқ,
Мен суянган қоя нурли қаламдан.

Кўнглим гуллари

Ифориин тўқкандай кўнгил гуллари,
Хира тортгандайин ҳислар — бокира.
Ўқмоққа тугатган умрим қўллари,
Дил ёққан муҳаббат — олис хотира.

Юрагим қолгандай хувиллаб, бўшаб,
Кўнглим ҳам ўхшайди қушларсиз боққа.
Пойингга ҳазондан пояндоз тўшаб,
Ҳаёлим етаклар пурвиқор тоққа.

Сенингсиз бу ҳаёт қафас мен учун —
Ҳеч ерга сизмаган дунёси торман.
Қалбим туйғуларин яшрай нечун —
Ишқнинг гадосиман — меҳрингга зорман.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ



Тошкент давлат Аграр университетининг профессори, техника фанлари доктори Муҳаммад Тошболтаев кўп йиллардан буён қишлоқ хўжалиги машиналарини яратиш, улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишининг илмий ва амалий муаммолари билан шуғулланиб келади. У кўплаб илмий рисола, монография, китоб, мақола ва иштиролар муаллифи. Олим илмий ижод билан бирга публицистика, бадиий ижод соҳасида ҳам қалам тебратиб келмоқда. Унинг "Фикрат ҳосиллари", "Олим, илм, кашфиёт ва тараққиёт", "Қулдиргилар ва куйдиргилар" номли китоблари ўз ўқувчиларини топган. Куйида муаллифнинг ижод намуналаридан ҳавола этмоқдамиз.

Абдурахим БОЗОРБОВ



Устозлар

Устозлар — биз учун энг мўътабар инсонлар. Уларнинг қилган меҳнатини тарозида тортиб бўлмайди, ҳар қандай ҳакам ҳам аниқ баҳолай олмайди. Ахир халқимиз беҳиз: "Устоз — отангдек улуг", демаган. Қўлимиздан тугиб илк бор ёзишни, ҳарфларни қўшиб ўқишни ўргатган устоз ҳамиша қалбимиз тўрида. Вояга етганингизда ҳам сизни ўз фарзандидек кўради, мулоийм гапиради, ютуқларингиздан қувонади, қайғули кунларингизда эса ёнингизда бўлиб, кўнглингизга таскин беради. Умр эса оқар сувдай жуда тез ўтиб кетади, жуда ҳам тез. Бегубор болалик, қадрдон мактаб, синфдошлар давраси ортда қолади. Бироқ устозлар ўз шогирдларини кўп эслашади, доимо фахрланишади: "Менинг ўқувчим, қобилиятли эди", дея сизни ибрат қилиб кўрсатади ёш шогирдларига.

Аслида, улар содда, оддий одамлар. Қалбида губори йўқ, кеккайишни, манмансирани билмайди. Улар сизга таълим-тарбия берган, меҳрини аямаган. Аммо, лекин... Ҳаётда шундай кунлар ҳам бўладики, устозларнинг ўзлари ҳам бир чимдим меҳрга зор, бир оғиз ширин сўзга илҳақ бўлади. Буни билганлар бор, билмаганлар бор. Балки сиз бугун оддий мутахассис, балки машхур одамсиз, балки амалдорсиз, билмадим. Биргина ўтинч шуки, устозингизни эсланг, ундан бир оғиз ширин каломингизни аямаг. Ахир улар берган билим аклингизни, меҳри эса қалбингизда нурлантириб турибди...

МИЯТИИ ҲИКОЯЛАР

Кексаликда болалик

У ёшлигида ўзини кексалардай тутишга интилди. Кексайди. Ёш болага ўхшади-қолди.

Ҳадик

Илмий ишлари хорижда ҳам тан олинган олим дўстим вафот этди. Таъзиясида одам кўп бўлмади. Ҳадиксираб қолдим: фандаги, ҳаётдаги тутумларимиз ўхшаш эди.

Битирув келаси

Келаётганимизда у ҳам қулди, мен ҳам қулдим. Унга ҳам, менга ҳам шаҳодатнома топширилди. Қайтаётганимизда у ҳам йиғлади, мен ҳам йиғладим.

Монгдаги товури

Дўхтирлар уни обдон текширишди ва "Тузалибсиз", дейишди. Лекин беш кун ўтса-да, ўрнидан туролмади. Олтинчи кун тонгда ногаҳон: "Ҳалиям ётибсанми, тур, пастга туш, машина кутяпти, қишлоққа жўнаймиз", деган овозни эшитди. ...У эллик йиллик синфдоши оғушида турарди.

Баҳор

Қабристондаги сокинликка отахоннинг баланд товуши чек қўйди. "Қандай одам эди?" ...Нихоят уни "Яхши одам эди", дейишди.

Макаббур

— "Мен"сиз ҳеч ким ҳеч нарса қилолмайди, — деб кибрланди. "Ҳеч ким"лар уни тарх этишди. "Мен" ҳеч нарсасига ярамай қолди.

Унтингил

Ўғил ниҳоят тунда етиб келди. Онасининг ёнига чўқкалади. Она унинг бошини аста силади. Эрталаб йиғи чиқаришди.

Вақт

Етилди. Мевасини ейишди. Қариди. Утин қилишди.

Муш

Ўғил отасини тез-тез тушида кўрадиган бўлиб қолди. У тўй бошлаб кўйган эди.

ИЖОДА МИЛЛИЙЛИК МАСАЛАСИ

Бугун миллий мусиқий қадриятларимиз хазинасига давр руҳига мос ижод намуналари қўшилмоқда. Ана шундай мумтоз асарлар қаторида таниқли композитор Мустафо Бафоевнинг “Хамса” операси ва яқинда илк бор ижро этилган “Етти Пир” ораториясини мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

М.Бафоев нафақат миллат даражасида, балки умуминсоний қадриятлар ўлчамида ҳам жаҳонга танилиб бораётган ижодкор. Америка, Япония, Туркия, Тожикистон ва бошқа мамлакатларнинг таниқли ижрочи, дирижёр ва жамоа раҳбарлари композитор билан ижодий ҳамкорликдан мамнун бўлмоқда. Боиси, Мустафо Бафоев бетиним излашида, у она заминга, унинг ҳар бир куй ва оҳангига, усул ва зарбига содиқ ижодкор. “Хамса”ни эшитганда Бухоронинг азим пойқадамларида, Хиванинг “Ичан қалъа”сида, Фарғона тоғлари бағрида ёки Тошкентнинг Эски шаҳарию янги кўчаларида юргандек тароват ва гурурини ҳис қиламиз.

“Етти Пир” ораторияси эса маъно-мазмунига кўра, замонавий мусиқий ижодда янги сўз. Чунончи, Фарбада черков мусиқасига хос жанрга энг замонавий композиторлар ҳам ўзича мурожаат қилади. Бироқ Мустафонинг тутган йўл-йўриғи бошқача. Бу асарнинг ўқилдиси она заминнинг мақомлари, бетакрор оҳангларида баҳра олади. Замонавий ижод деганда, одатда, янги ифода воситалари, техника тушунилади. Холбуки, Мустафо бундай замонавийликка даъво ҳам, тақлид ҳам қилмайди. Чунки унинг асари миллий мусиқага суғорилган. Техникада ҳам бировдан қолишадиган жойи йўқ. Булар ҳаммаси ифтихор, қадрият. Ўзбекнинг қим эканини оламга ёядиган омиллар. Аммо ана шу қадриятни баралла кўтаришга ожизлик қилаётган то-

монларимиз унда-бунда учраб турибди. Ана шундай муаммолардан бири Ўзбекистон санъат арбоби, профессор Жўракул Шукуров мазкур газетанинг шу йил 28 июнь сонида тилга олган ижро ва ижодда миллийлик масаласидир.

Аввало, шунга айтишим лозим, Жўракул тўғриси, ҳалол, ўз касбига садоқатли йигит. Қўлига тор олиб, истаган усулда хоразмча, фарғонача қўшиқ айтиб бериши мумкин. Консерватория профессори. “Чум-чук сўйса ҳам қасбоб сўйсин” деган нақл бор. Ёки бошқа бир латиға. Ёзувчидан муҳбир: “Қайси китобларни ўқигансиз?” деб сўрабди. Шунда, у: “Ука, мен китоб ўқимайман, китоб ёзаман”, деган экан. Ҳозир, афсуски, қўлидан иш келмайдиганлар аксари китоб ёзаётди. Жўракул сохта оҳангсозлик ёки билармон мусиқийшуносликка даъво қилмайди. Ўзи бошидан ўтказган, чуқур ҳис қиладиган нарсалар юзасидан самимий мулоҳаза юритади. Шу нуктаи назардан, “Хор санъати: ютуқ ва муаммолар” мақоласида айтган мулоҳазалари жуда ўринли. Муаммонинг кўп жиҳатлари мураккаб ўқув жараёнининг қонун-қоидалари билан боғлиқ ҳамда соҳа мутахассислари иштирокида ҳал этиладиган масалалар, албатта. Бироқ, фикримизча, муаллиф тажрибали мутахассис сифатида масаланинг энг чигал ва нозик нуқтасини тўғри топган.

Гап шундаки, мусиқанинг отаси ҳам, онаси ҳам овоз. Инсон овози — энг мукамал соз. Барча чоғлар, жумладан, бизнинг танбур-дўторларимиз, чангу қонурларимиз, наю сурнайларимиз, ғижжаку сатоларимиз инсон овозининг “соясини”, ўхшатмаси. Улар табиий овозга қанча яқин бўлса, шунча мукамал саналган. Овоз нафасдан, талаффуздан бошланади. Ўзбек мақомини италян хонандаси ғўзал овозда айтса-да, барибир, талаффуз бузилади ва бу эшитувчининг ғашини келтиради. Ўзбек опералари 70 йил давомида “вокал” услубида айтилиб нимага эришилди? Озарбайжонда ханузгача “мугом операси” деган устувор тушунча мавжуд. Академик опера театрида мугом бўлиши мавжуд. Утган ойнинг охирида бу мамлакатда “Ипак йўли” халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтди. Мўъжазгина Шаки шаҳрида. Фестиваль дастурининг асосини мугом опералари ташкил этди. Шу йилнинг баҳорида эса “Лайли ва Мажнун” мугом операси Америкада катта муваффақият билан ижро этилди. Ваҳоланки, вокал услубидаги “Кўрўғли” операси Бокудан ташқарига чиқмади.

Ўзимизда ҳам Фулом Зафарийнинг “Халима” (1920), В.Успенскийнинг “Фарҳод ва Ширин” (1934), Тўхтасин Жалиловнинг “Тоҳир ва Зухра” (1943) каби мақом опералари қизгин қабул қилинган мутахассисларга аён. Вокал йўлидаги “Бўрон” (1939), “Буюк канал” (1942), “Қутлуг қон” (1964) ва бошқа асарлар неча марта қўйилди? Тарихни ўрганиш — соҳа мутахассисларининг иши.

Олдимизда катта тадбир турибди — Бухоро кунин ЮНЕСКО байроғи остида нишонланади. Унда “Етти Пир” ижро этилиши мўлжалланмоқда. Бухорода бу борада катта тайёргарлик кетаяпти. Ўзим униб-ўсган, таълим олган Бухорони кўриб хайрон қолдим. Фидойиларга офарин. Муносиб тўғфа. Минораи Калон остонасида ижро этиладиган “Етти Пир” меъмор ва хунармандлар қилган ишга мос тушадими? Хорижий мутахассислар мақом, опера, оратория нима эканини ва қандай услубда ижро этилишини яхши фаҳмлайди.

Мақом ораторияси “Етти Пир”ни ўз табиий йўлида айтилиқ. Жўрақулни ташвишланган масаланинг маъно-моҳияти ҳам шунда. Бу — замон талаби, давр талаби. Ўзбекистон санъатининг салоҳиятини намойиш этиш имкони.

Отаназар МАТЕКУБОВ,
профессор

Қозон аэропортига йиғилганлар Ўзбек миллий академик драма театри санъаткорларини қадрдонларча кутиб олишди. Альберт Гуззалов раҳбарлигидаги Татаристоннинг Собинск районидан келган ўнлаб гармончилар ғўзал оҳанглари оғушида меҳмонларни чорлаб турди.



БАЙРАМ ДАВОМ ЭТАДИ

Мухлислар билан Ғ.Камол номидаги Татар давлат академик театрида бўлиб ўтган дастлабки учрашувда давомли қарсаклар узоқ вақт тинмади. Ҳамюртларимиз татар сахнасида Ҷ.Айтматов асари асосидаги “Момо ер”, драматург Кўчқор Норқобилнинг “Тақдир синовлари” спектаклларини намойиш қилишди. Томошабинлар ўзбек актёрларини узоқ вақт сахнадан қўйиб юборишмади. “Биз учун бу учрашув байрам, — деди Жиззахда туғилиб, тақдир тақозоси билан юртидан олисда яшаётган Алла Зубаирова. — Биз туғилган диёримизни доимо эслаб тураимиз. Театрдаги бу учрашув ўзбек халқи билан узилмас ришталар орқали боғланган биздек

Ижодий сафар

Сайёра Юнусова, Рустам Каримов ва бошқалар ижросидан ниҳоятда таъсирландилар. Уларни кўриш учун одамлар узоқ-узоқлардан Қозонга етиб келдилар. “Ўзбекистон биз учун ҳамиша қадрдон, олижаноб дўстлар юртидир, — деди татаристонлик таниқли ўқитувчи Мадина Зиявут-

динова. — Минг йиллардан буён қадрдонлигимиз давом этиб келаяпти. Мен Балтасинск районининг Қарадуган деган жойидан ўзбек театрини кўриш учун Чўлпон ва Нурия исмли қизларим билан келдим. “Момо ер” спектаклини нафасимизни ичимизга ютиб, кўзда ёш билан томоша қилдик. Ижодкорларга тасанно. Минглаб томошабинлар номидан бир она сифатида ташаккур айтаман. Илтимос, тез-тез келиб туринглар”.

Ҳаммадан ҳам юртимиздан бориб, Татаристон олий ўқув юртларида ўқийётган Ойбек Мирзаев, Сардор Олимжонов ва Азамат

одамлар учун ҳақиқий совға бўлди. Ташкилотчиларга катта раҳмат”.

Томошабинлар, айниқса, Ўзбекистон халқ артистлари — Эркин Комилов, Малика Иброҳимова, хизмат кўрсатган артистлар —

Умидовнинг қувончи чексиз. “Биз энг бахтли томошабинларимиз, — дейишди улар. — Қозон сахнасида томошабинларнинг гулдўрос олқишларига сазовор бўлган актёрларимиз билан ҳар қанча фахрланасак арзийди”.

Ҳис-ҳаяжонга тўла уч кун жуда тез ўтиб кетди. Лекин бу кунларнинг нафаси ҳали кўп вақт сезилиб туради. Зеро, мазкур сафар туғаси биланқоқ Муса Жалил номидаги татар давлат опера ва балет театрининг машҳур сахнасида Татаристонда Ўзбекистон маданияти кунларининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Демак, байрам давом этади.

Тадбир давомида иштирокчилардан ҳам интервьюлар олдик.

кўз ўнгимизда турибди. Ҳамкасбларимиз, ўзбекистонликлар билан учрашув таассуротлари ҳали узоқ вақт бизни тарқ этмаска керак. Ўзбек ва татар театр мактабларининг бир-биридан ўрганадиганлари кўп. Мухими, ўртаимиздаги алоқалар давом этиб, янада ривожланишини истаимиз.

Сайёра ЮНУСОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

— Бизни хайрон қолдирган биринчи ҳолат залдаги сукунат бўлди. Худди залда ҳеч ким йўқдай. Аслида томошабин шундай бўлиши керак: ҳаммасини ҳазм қилиши, қалб призмасидан ўтказиши лозим. Татар томошабинининг юксак маданий савияси эътирофга лойиқ. Чунки актёр ва томошабин бир-бирига ёрдам бериши, актёр ва муҳлис, саҳна ва зал ўртасида узилмас алоқа ўрнатилиши орқали бевосита мулоқотга киришилади. Агар ижро ҳаёт ҳақиқати орқали томошабинга етказилса, тилини бемалол тушуниш мумкин. Татар муҳлислари ўзбек тилини ярим сўздан тушушганлари бизни хурсанд қилди. Агар театрларимиз тез-тез ўзаро ижодий мулоқот қилиб турса, биз учун ҳам, томошабин учун ҳам байрам давом этаверади.

Флора ФАХРУТДИНОВА

ОНА ЕР ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Сой бўйи. Адир қўйида кўримсизгина овул. Бу ерда ҳамма бир-бирини танийди. Унинг бир четидан темирйўл ўтган. Бу йўл Тўлғонойларниқига яқин. Мунисгина, камсуқум, зенидаги далада ишлайверганидан оҳори тўкилиб, увадаси чиққан чит қўйлақ тақдирнинг аёвсиз синовларидан эзилган қоматини бекитиб турибди. У пастаккина, мўъжаз супада қўлидаги чўпонтаёққа ўхшаи асони ҳассас қилиб суянганча хаёлга толган...

Сирдарё вилоят мусиқали драма театри жамоасининг “Момо ер” спектакли ана шу саҳна кўриниши билан бошланади. Чингиз Айтматовнинг шу номли асарини атоқли адиб таваллудининг 90 йиллиғи муносабати билан ёш режиссёр Нигора Ғойибназарова сахналаштирди. Спектакль премьerasи Ўзбек миллий академик драма театри сахнасида намойиш этилди. Премьера нафақат янги спектакль намойиши, балки Сирдарё театри 44-мавсумини очиб берди. Асарни сахналаштирувчи расм — Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Шўҳрат Абдумаликов актёрлар учун саҳна муҳитини даврга мос равишда яратган. Оддий ёғоч ва тахталардан иборат декоратив манзара ўзига ҳос қурилган. Саҳна тўрида кўзга ташланадиган баланд кўприксимон узун йўлнинг тахта пиллапожларидан бирор актёр кўтарилса, демак, у сафарга отланган бўлади. Тахта-кўприк ости эса поезд йўли кўринишида. Поезд келаётганидан огоҳлантувчи кўнжироқдан томоша давомида ўринли фойдаланилган. Ўртадаги мўъжаз супа муқаддас Момо ер рамзигина эмас, овулдаги бир хонадоннинг, Тўлғонойнинг тақдирдан дарак берувчи макон ҳамдир. Спектаклда Иккинчи жаҳон уруши йилларининг даҳшатлари акс этади. Асар бош қаҳрамони Тўлғоной

(Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мавлуда Маматиллахонова) хаёлан кўрган-кечирганларини ёдга олади. Дастлаб суякли умр йўлдоши Сувонкул (“Дўстлик” ордени соҳиби, актёр Иброҳим Қосимов) билан танишган давлари намоеъ бўлади. Бахт ҳақида гапирганида уч ўғил — Қосим (актёр Бекзод Мирсаитов), Майсалбек (актёр Файрат Бозоров), Жайноқ (актёр Хусан

Талқин ва таҳлил

Мусурмонкулов) пайдо бўлади. Катта ўғил Қосим Алиман исмли қизни (актриса Дилором Мирсолиева) умр йўлдоши қилиб танапди. Майсалбек эса ўз йўлини топиш учун илм истаб шаҳарга отланади. Кенжа фарзанд Жайноқ қишлоқ ёшларига бош бўлиб, овул идорасида ишлайди... Хуллас, ерни эъзозлаб, унга меҳр қўйган Сувонкул ва Тўлғоной ўзлари орзу қилгандай бахтга эришадилар. Бироқ қутилмаганда қишлоқ раиси Усенбойнинг уруш ҳақидаги совуқ хабари барчасини зумда ўзгартириб юборади. Аёл — дунёнинг борлиги. Метин ирода, матонат, саховат, садоқат — бу

фазилятлар унда мужассам. Балки биз бунга эътибор бермасмиз, ўйлаб ҳам кўрамсиз. Лекин томоша давомида Тўлғоной образи орқали ўзимиз кўрмаган, англамаган, ҳис қилмаган туйғуларни беихтиёр дилимизда туямиз. Бу аёл уруш боис суянган тоғлари — суякли умр йўлдоши ва уч ўғлидан ажралди. Аммо у шахс сифатида ўз олдидаги ижтимоий бурчини адо этишдан асло тўхтамайди. М.Маматиллахонова саҳнада умумбашари қадриятларни мужассамлаштира олган оддий, лекин кучли миллий характерга эга қирғиз аёлини гавдалантирган. Асарда Тўлғоной сингари яна бир ситамдйда, мушфик аёл образи бор. Алиман ўн гулидан бири ҳам очилиб улгурмай тул қолиб, гоҳ меҳрибон келин, гоҳ адашган хиёнаткор жувон, гоҳ она бўлиш бахтини ҳам ҳис қилолмай, жабру уқубат қурбони бўлган, бир олам орзулари билан ёруғ дунёни тарқ этган келинчақ. Бу образ Д.Мирсолиева томонидан маҳорат билан талқин этилган спектаклнинг таъсирчанлигини янада оширган. Ҳар бир кўринишда режиссёрнинг услуби сезилиб туради. Воқеаларнинг ўзаро боғланиши, бир саҳна кўринишидан иккинчига енгил ўтилиши

САҲНА — ҲАЁТ МАЙДОНИ



Бугунги кунда ўзбек миллий режиссура санъати етук даргаларининг дастлабки икки авлодини билган, уларнинг сабоғини олган режиссёрлар бармоқ билан санарли. Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, “Меҳнат шўхрати” ордени соҳиби, танловлар ғолиби Носир Отабоев ана шундай режиссёрларнинг унчинчи авлодига мансуб. У таниқли режиссёр ва педагог Иосиф Радун қўлида таълим олган. Иш фаолиятини эса юртимизнинг бош театри — Ҳамза номидаги драма театрида (ҳозирги Ўзбек миллий академик драма теат-

ри) бошлади. Бу даргоҳда “Оқ қабутар” (Ф.Мусаенов), “Вероналик икки йигит” (У.Шекспир), Ш.Қаюмов билан биргаликда “Улғубек” (М.Шайхзода) каби асарларни сахналаштириб, маҳоратини оширдилар, муҳлислар орасида танилди.

Кейинчалик Фарғона мусиқали драма ва комедия театрида бош режиссёр сифатида фаолият олиб борди. Ўша йилларни Н.Отабоев шундай эслайди: “Фарғона театри мен учун тинимсиз изланиш, ижодий меҳнат йиллари бўлди. Айнан шу даргоҳда режиссёр сифатида тобланим, чиниқдим. Ўн етти йил давомида кенг қўламли, долзарб ижтимоий мавзудаги асарларни саҳнага олиб чиқиш учун курашдим, кўплаб драматурглар билан ҳамкорлик қилдим. Саҳна нима эканини, театрда иш жараёни қандай келишини шу ерда бошимдан ўтказдим ва тушуниб етдим”. “Бу замон ўлоғи”, “Бир ўликка бир тирик” (А.Иброҳимов), “Олтин девор” (Э.Воҳидов), “Бахтиёр гадолар” (К.Ғошчи), “Ревизор” (Н.Гоголь), “Нурхон” (К.Яшин) каби спектакллар

режиссёрнинг бу даргоҳда саҳналаштирган ўнлаб спектаклларида намуналар, ҳолос. Тошкент давлат Сатира театрининг илк қадамлари биринчи бош режиссёр Носир Отабоев номи билан боғлиқ. Театрнинг А.Қаҳҳор асари асосидаги “Тобутлан товуш” номли биринчи спектаклиёқ жамоатчилик эътиборини тортиди. “Темир хотин” (Ш.Бошбеков), “Сабил қолди” (Ф.Мусаенов) каби спектакллар муҳлисларнинг мазкур театрга ишончини мустаҳкамлади.

Устознинг Мўқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театрида бош режиссёр сифатидаги фаолияти ҳам самарали кечди. Бу даргоҳда мусиқали драма, комедиялар ва болалар учун қатор спектакллар қўйиш билан бирга, Ўзбек миллий академик драма театрида, Самарқанд вилоят театрида ҳам бир неча асарларни саҳнага олиб чиқди. Унинг режиссёр сифатида шу кунгача қўйган спектакллари сони олтишдан ошиб кетган.

Таъкидлаш жоизки, Носир Отабоев театрдан ташқари, республика миқёсида ўтказиладиган катта байрам тадбирлари, турли касб эгаларига бағишланган тантаналар, алломалар, санъат ва адабиёт даргаларининг юбилей ва хотира кечалари, концерт томошаларининг сценарийлар муаллифи, бош режиссёри, театрлаштирувчи бош режиссёри сифатида узоқ йиллардан буён самарали ижод қилиб келмоқда. Бир неча йиллардан буён “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси лицензия кенгаши аъзоси сифатида Носир Отабоев билан бирга ишлаш жараёнида, уни ўзим учун принципиал, тўғриси, санъатнинг чинакам фидойиси сифатида қабул қилдим. У бирор бир ёш ижодкорда истеъод учқунларини сезса, қўллаб-қувватлайди, жаъули “маслаҳатларини аямайди. Биз ўзимиз ҳам кўп мунозарали вазиятларда устозга мурожаат қиламиз.

Ижодкорнинг ўз ишининг устаси бўлишида, шубҳасиз, оиланинг ўрни катта. Устознинг рафиқалари Дилбар опанинг ҳузурига бир юмуш билан борганимда, ҳали бу аёл таниқли режиссёрнинг рафиқаси эканини билмасдим. Ўша пайтда Дилбар опа пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 115-мактабда директор эди. Унинг самимий муомаласи менда чуқур таассурот қолдирди. Шундан кейин Дилбар опани тадбирларда, йиғинларда кўп учратдим. Биринчи таассуротим алдаманига амин бўлдим. Ҳозирги кунда Д.Бўрибекова Тошкент шаҳар ином хативи муовини, хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчи, шаҳар бош отини сифатида кўплаб хайрли ишларнинг амалга ошишига ҳисса қўшиб, ижтимоий ҳаётда фаоллигини қўлдан бермай келмоқда. Ота-онадан ибрат олган фарзандлар ҳам бутун ўз соҳасининг фидойилари сифатида юртимиз равиқига ҳисса қўшмоқда.

Бугун Носир Отабоев хонадониде катта хурсандчилик. Моҳир режиссёр, раҳмўр устоз, фидойи инсоннинг санъат оламига қадам қўйганига олтиш, элга намуна бўлишига аризтулик оила қурганига эзлик йил тўлди. Устозни қўшалоқ саналар, “олтин тўй” билан қўтлаб, узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ижодий ютуқлар тилаб қоламиз.

Г.УМАРОВА

томошанинг бир маромда давом этишини таъминлаган. Актёрларнинг хатти-ҳаракати ҳар бир саҳна кўринишида узвийлик касб этган. Қишлоқ раисини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шариф Жумаев меъриёга етказиб ижро этган. Фарҳод Қорабоев асар руҳига мос мусиқа танлаган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Озода Абдуллаева, хонандалар Шўҳрат Абдуллаев ва Раъно Хайитова жўрлигида қўйилган қўшиқлар томошабини ўша давр руҳига олиб киришда муҳим восита бўлиб хизмат қилган.

Ҳар бир мавжудот ва махлуқот ердан яралиб, алапоқибат яна ерга қайтади. Ер Тўлғоной орқали одамларга мурожаат қилади. “Ерининг бағрини жаҳолатга, рутубатга, қонга тўлдирмайлик, шунда Ер ҳам биздан марҳаматини аямайди. Биз иноқ бўлиб, унга меҳр берсак, Ер ҳам бизга саҳий бағрини очади. Агарки, дунё зулмат қомига ботган экан, бундай дунёнинг бизга кераги йўқ”, дейди. Спектаклда яна бир кичик образ — Алиманинг гўдағи бор. У яшашдан чарчаб, дунёдан юз ўгирган Тўлғонойни яна курашга чорлайди. Набирасига жонинг пўлатдан бўлсин дея Жонпўлат (актёр Аслиддин Насриддинов) исмини қўяди. Демак, ҳаёт ҳали тўхтагани йўқ. Зеро, яралиш, яратиш ҳам, асраш ёки барбод қилиш ҳам ўз қўлимизда. Шубҳасиз, томошанинг муваффақиятли чиқишида адабий маслаҳатчилар — театршунос Муқаддас Аҳмаджонова ва драматург Хайитмат Расулнинг хизматларини таъкидлаш жоиз. Мухими, Сирдарё вилоят мусиқали драма театри репертуари яна бир янги ва яхши асар билан бойиди.

Бекмурод БАРДОШ

Шу йил 7-8 август кунлари Тошкентда ўтган “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференцияда йигирмадан зиёд мамлакатдан ёзувчилар, адабиётшунослар, таржумонлар иштирок этди. Улар орасида Озарбойжон халқ ёзувчиси, Озарбойжон ёзувчилар бирлиги раиси Анор ҳам бор эди. Бу маишхур ёзувчи анжуманда сермазмун маъруза қилди, бир неча учрашувлар ўтказди. Мен Анорнинг “Дантенинг юбилеи” қиссасини, ўнга яқин ҳикоясини таржима қилганман. Анжуман кунлари у менга бир неча китобларини тўхфа қилди. Бу китоблар орасида “Анор” деб номланган китоб алоҳида эътиборимни тортди. У журналист, муסיқачи Натаван Фаизнинг Анор муаллим билан суҳбатларидан иборат китоби эди. Суҳбатларда турли мавзулар — адабиёт, санъат, иқтисодиёт, сиёсат, тарих, миллий анъаналар, инсонийлик, дўстлик, муҳаббат, оила — ҳуллас, ҳаётнинг деярли барча жабҳалари қамраб олинган. Ушбу суҳбатлар кўнгилмга ўтиргани, ўзбек ўқувчилари учун ҳам муҳим, деб ҳисоблаганим боис улардан айрим парчаларни таржима қилдим.

Таржимон

АНОР:

«ЁЗАЁТТАНИМДА ЎҚУВЧИЛАРИМНИ «КЎРИБ» ТУРАМАН»

қилинган. Қисқаси, ёзувчилик фаолиятим ана шундай бошланган.

— Жанрларнинг яроқлилик муддати бор — роман ўз умрини ўтаб бўлди, дейишди. Бугун қайси жанрга талаб кучли? Сенинг бестселлери, енгил-ели тарих ёки детектив асарларга эҳтиёж борми? Масалан, тарихий роман оммани қизиқтирмайди. Сиз шу фикрларга қўшиласизми?

— Йўқ, қўшилимайман. Роман жанри қайтадан тугилмоқда, ҳоло. Айтайлик, Апулейнинг “Олтин эшак” асари романими? Роман. Ёки Сервантеснинг “Дон Кихот”и романими? Роман. Ахир, улар бир-биридан гўзал асарлар-ку! Толстой, Достоевский романлари-чи? Уларни “Дон Кихот” билан қандай умумийлик бираштириб туради? Ёки Пруст романлари билан Балзак ёхуд Золя романларида қанақа умумий яқинлик мавжуд? Демак, роман жанри ангиланмоқда, яъни модернизациялашмоқда. Эҳтимол, бугун дунёда ҳозир мен санаб ўтган даҳо ёзувчилар таланти каби кенг кўламли истеъдоди ёзувчилар йўқ бўлса керак (мен Прустин Балзак ва Толстой қаторидаги ёзувчи, деб биламан). Аммо бу роман жанри умрини ўтаб бўлди, дегани эмас. Бир вақтлар роман жанри ўлди, деган фикрлар учирганди. Эсингиздами, “янги роман” оқими пайдо бўлганди. Натал Сартр, Аллен Роб-Грийе, Мишель Бютор унинг намояндalариди. Ҳўш, нима бўлди? Улар жанр адабиётда енгил шабада каби хира бир саҳифани ташкил этди, ҳоло. Бироқ адабиётда туб бурилишлар, ўзгаришлар қила олгани йўқ, олдинги асарлар, мавжуд анъаналар устига чиққ торта олмади, эксперимент сифатида пайдо бўлди ва шу даражада қолиб кетди. Роман жанрини кўмишди ва кўмишмоқда, аммо роман яшамоқда! Чунки муҳаббат ҳеч қачон қаримайди, рашк ҳеч қачон эскирмайди. Ҳаёт мазмун-моҳиятини излаш ҳеч қачон долзарблигини йўқотмайди. Роман ўзининг кенг кўламли билан бу борада алоҳида маъно-мазмунни излаш ва топиш учун гоёт ажойиб имкониятлар яратди.

— Шундай эски бир ҳазил бор: агар юз миллион маймун ёзув машинаси олдида ўтказиб қўйилса, бир кунмас-бир кун улардан бири “Уруш ва тинчлик”ни ёзиб ташлайди. Горький ҳам ҳар қандай одамни ёзишга ўргатиш мумкин, деган.

— Билмадим, Горький бу фикрни қай ҳолатда айтган. Албатта, бу тўғри эмас. Аммо, афсуски, баъзан ҳаёт бу фикрни тасдиқлайди. Эҳтимол, Горький бу гапни Лениннинг “ҳар қандай ошпаз ҳам давлатни бошқара олади”, деган фикрини бироз ўзгартириб айтмоқчи бўлгандир. Совет даврида бир беъмани шпор бўларди: “Ишлаб чиқариш илорлари — адабиётга!”, Бошқача айтганда, агар сен яхши тракторчи, слесарь ёки токар бўлсанг бас, ёзув столига ўтириб бемалол роман ёзишинг мумкин. Ўша йиллари ана шу шпор остида адабиётга “кириб келганлар” кўп эди. Ана шу эҳтимоллик назарияси туфайли уларнинг орасидан ҳақиқий талантлар чиқиб, чинакам ёзувчилар ҳам пайдо бўлган. Бугунги кунда, меннинг назаримда, ҳар ҳолда очиб бўлмас-да, шунга ўхшаш шпор



— Нимасини айтасиз... Биласизми, компьютер пайдо бўлгунча менинг иш тартибим қандай эди? Аввал қўлда ёзардим, кейин уни қора қоғоз қўйиб машинада кўчирардим. Сўнгра уни машинкачи берадим, у бошқатдан кўчирар, мен яна бошдан охиригача ўқиб чиқардим... қанчалар машаққат.

— Сиз кимсиз — ўз фикрларингизни баён қилувчиси ёки қоғозга туширувчиси, муҳаррири?

— Фикрларимни қоғозга туширувчи бўлсам керак. Гоҳида фикр тезлигига қўл ҳаракати етолмай қолади. Баъзан фикр ёпирилиб келади, уни қоғозга туширишга улгурмай қолади киши ва оқибатда гоҳида айрим фикрлар йўқолиб қолади. Шунинг учун баъзи ҳолларда диктовкани ишга соламан, яъни диктофонга тапираман. Бундай ҳол кўпроқ тулда, чироқ ёқиб ёзиб ўтирмаслик учун қилинади. “Тунги ўйлар” асосан шу тахлит ёзилган.

— Шу ҳақда сўрамоқчи бўлиб турганим.

— Бу китоб 40 йиллик ўй-хаёлар маъсули. Бу қайларни мен умр бўйи ёзиб келганман, аммо

бир кун келиб китоб ҳолида нашр этиш сира ҳаёлимга келмаган. Табиийки, бу қайлардаги фикрларга, воқеаларга қаршим бугун бўлакча, лекин улар ўзинга хос кундалик. Ахир, улар қарда, қайси ҳолатда, қандай фикр келган бўлса, нимани кузатиш чоғида тутилган бўлса — ўшандайлигича ёзилган.

— Анор муаллим, Сиз гирт шахарлиқсиз, шундайми?

— Тақдир шундай экан, умр бўйи шахарда яшадим. Суҳбатимиз аввалида 14 ёшлигимда Шушад зериқканман, шахарга кетгим келгани ҳақида айтган эдим. Ҳозир эса у ерда лоақал бир ойгина яшап учун умримнинг ярмини беришга тайёрман. Нега бу ҳақда сўраб қолдингиз?

— Чингиз Айтматов: “Анор асосан ўзинга яқин бўлган шахар интеллигенцияси ҳақида ёзди ва ёзмоқда”, деган эди. Умуман, ёзувчи замондошларига муқаддас ёзмайми? Ёки...

— Мен ўз ўқувчиларимни аниқ тасаввур қиламан. Бошқача айтганда, ёзаётганимда уларни “қўриб” тураман. Биринчидан, уларнинг қиёфасини ўзимнинг яқинларим — оила аъзоларим, дўстларим, ҳамкасбларим сиймосида кўраман ва ёзаётганимда уларнинг асарига муносабатини, баҳосини тасаввур қилишга ҳаракат қиламан. Шу билан бирга, мен шахсан танимайдиган минглаб, балки миллионлаб китобхонларни “қўраман”. Уларнинг ҳаммаси бўлмас-да, муайян қисми менинг ёзишимни кутишини, китобларимни олишини, ўқишини, кўнгириқ ҳам қилишини биламан.

— Мен шарқчи ҳам, ғарбчи ҳам эмасман, дунёчи-ман, деб ёзаётганимизни ўқиганман. Сиз жаҳон ода-мисиз, шундайми?

— Ҳар қалай шундай бўлишга ҳаракат қиламан. Замонавий прагматизмнинг маънавий қадриятлари билан Шарқ ва Ғарб маданиятини уйғунлаштириш ёқдани менга. Назаримда, айнан мана шу ҳолат жаҳонда адолат ўрнатиш ва ривожлантиришнинг, инсониятни қомилликка элтишининг универсал асоси бўлиб кўринади. “Дунё фукароси” деган тушунча бор. Албатта, мен бу тоифага мансуб эмасман. Бу шарафга, айтайлик, Ростропович эришган эди. Чунки у бугун дунё бўйлаб гастролда юрар, ҳамма жойда уни олқийлар билан қутиб олишарди. Менда бундай имконият йўқ. Бу гапни мен ўзимни мутлақ Шарқ ёхуд Ғарб ёзувчиси, деб ҳисоблаганим учун айтаяман.

— Сиз китобини электрон шаклда ўқийсизми? Йўқ, Наир қилинган ҳолда ўқийман. Китоб ўқиш мен учун, айтишим мумкинки, муқаддас иш. Китобни жавондан олиш, уни арақлаш, ўқиш, сўнг яна жойига қўйиш — бу ниҳоят завқли, ҳузурбахш иш.

— Нима деб ўйлайсиз, компьютер нутқимизга таъсир қилидими?

— Албатта. Наинки нутқимизга, психология-мизга ҳам, тилимизга ҳам таъсирини ўтказди... Оддий инсоний сўзлашув истеъмоладан чиқиб кетганга ўхшайди. Ҳар хил эсимслар тилимизни

хароб қилди, биз бунинг гувоҳимиз. Тан оламан, булар мен учун бошқа дунё. Менинг невараларим эса уларни шундай ўрганиб олганки, гўёки она қорнидан шуларни ўрганиб тушгандай туюлади менга. Ишонасизми, Озарбойжонда энг кейин мобил телефон олган одам, эҳтимол, мен бўлсам керак. Имконим борица қарши бўлдим, охи-роқибат тушуниб етдимки, бузиб иложи йўқ экан. Шунда ҳам телефондан фақат ким биландир гап-лашши мақсадида фойдаланаман. Тамом! Нева-раларим-чи, ёзди, чизади, суратга олади, му-сика эшитидаи, эҳҳе, яна нималар қилмайди дей-сиз. Мен эса “саводсиз” бўлиб юрибман.

— Ижозатингиз билан маънавий-ахлоқий ма-взуда суҳбатлашасан. Масалан, тўйлар ҳақида. Озар-бойжонликлар тўйга алоҳида эътибор беради. Ўзар-бойжонликлар танишлар ҳам, унча таниш бўлмаган-лар ҳам бир-бирга тоғлангиз тўйга буюрсин, тўйларингизга, шодлиқларингизга бораёйлик, деб тил-ла билдиради. Айниқса, кейинги йилларда бу нарс-а авжига чиқиб кетди. Гўёки инсоннинг асосий ва-зифаси тўй қилишдан иборат. Бу одамларда, ай-ниқса, хориждан келганларда озарбойжонликлар учун инсонийликнинг энг юксак чўққиси тўй би-лан белгиланар экан, деган тушунча пайдо қили-ши мумкин. Нега бундай, дабдабабозликка ўчлик қардан, қачон пайдо бўлган халқимизда?

— Бу халқ характерида келиб чиқди. Тан оли-шимиз керак, биз тантанани яхши кўраимиз. Ўйин-кулги, рақсга тушиш жони-дилимиз. Бу — битта сабаб. Яна бир сабаб, менингча, халқимиз боши-дан кўп қийинчиликларни ўтказган, ана шу ма-шаққатли кунларни унуттиш, бироз бўлса-да, ўзини қалғитиш, кўнглини яйратиш учун тўйлар, турил табирилар ўйлаб топган. Кейин-кейин бу урф-одаат айланиб кетган. Учинчи сабаб — пул топиб ақл толмаганларнинг ўзаро “мусобақаси”, яъни кимнинг тўйи қай даражада дабдаба билан ўтди, кимнинг тўйига қанча меҳмон келди, шу-лар билан мақтанishi. Хуллас, сабаблари кўп.

— Ёзувчи, айниқса, маишхур ёзувчи билан суҳ-батда хотин-қизлар мавзусини четлаб ўтиш мум-кин эмас. Муҳаббат — ҳаёт гилдирагини айланти-рувчи механизмми ёки...

— Йўқ, ҳеч қанақа механизм эмас. Муҳаббат — нисмат. Уси ҳаёт йўқ. Бул операда айтилганидек, “ҳар қайси ёшда ҳам севги керак”, у доимо дол-зарб, ишонинг, ҳақиқий севги шундай бўлади.

— Анор муаллим, менинг назаримда икки хил турмуш тарзи борга ўхшайди: зёли-юксак ахлоқ-ли ва оддий инсоний. Сизнинг турмушингиз қайси тоифага мансуб?

— Бу ҳақда мен бир вақтлар ёзган эдим. Ёзув-чи бўлиш қийин, ёзувчининг хотини бўлиш ун-дан ҳам қийин, аммо ёзувчи аёлининг эри бўлиш ҳаммасидан оғир. Биласизки, ёзувчи ҳар доим ўзининг хаёллари билан юради, гўёки параллел дунёда яшаётгандай. Бунга ҳамма аёл ҳам чидай олмайдди. Ойла мунтазам яқин мулоқотни талаб қилади. Мен буни яхши тушунаман ва оилам учун вақт ажратишга доимо ҳаракат қиламан. Менинг аёлим муסיқачи. Эр-хотин қизиқили-нини яқинлиги оила мустаҳкамлигига муҳим аҳамиятга эга. Шунга қарамай унинг ўз дунёси (касб нуқтаи назаридан) бор, менинг ўз дунём бор. Балки энг асосий нарс-а буни тушуниш ва бир-бирига халақит бермасликларидир. Менинг на-заримда, оила мустаҳкамлигининг асосий омил-и шу бўлса керак.

— Шундай “ҳикматли сўз” бор: агар хотининг фаришта бўлишини истасанг, унинг учун жалнат ярат.

— Унинг фаришта бўлиши шарт эмас. Садо-қатли дўст бўлса бас. Фаришталарни тинч қўй-лик, улар осмонда юраверсин.

— Анор муаллим, бугунги ёзувчилардан ким келажакда Сизнинг ўрнингизни эгаллаши мум-кин? Мен шон-шухрат, обрў-эътибор, нуфус ва истеъдоднинг кенг қамровлигини назарда тут-моқдаман.

— Жула кўп сабабларга кўра бу саволга жавоб бериш мушкул. Кимдир менга ўхшар, яна ким-дир мендан ҳам яхши ёзар (ва бошқа жиҳатлар бўйича ҳам), бошқа биров мутлақо бошқача бўлар. Ҳамма гап сенинг ўзинг ишлаб турган замонага қан-чалар кераклигига боғлиқ. Шунинг учун сиз айт-гандай, келажакда менинг ўрнимда ким бўли-ши мумкинлигини бугун айтиш қийин. “Мен — ёзувчи-ман” деб унинг ўзи эмас, балки келгуси авлодлар айтиши керак унинг қандай ёзувчи бўлганини.

Русчадан

М.ҲАЗРАТҚУЛОВ таржмаси.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ БЎШ ЎРИНЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тиллар ва адабиёт кафедрасига кафедра мудири (1), Саҳна нутқи кафедрасига кафедра мудири (1), Овоз режиссёрлиги ва операторлик маҳорати кафедрасига кафедра мудири (1), профессор (1), ўқитувчи (1), Муסיқий-назарий фанлар кафедрасига доцент (1), Миллий қўшиқчилик кафедрасига профессор (1), доцент (1), Вокал кафедрасига профессор (1), доцент (1), Ижтимоий ва гуманитар фанлар кафедрасига доцент (1), Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш кафедрасига катта ўқитувчи (1), Эстрада ва оммавий томошалар санъати кафедрасига катта ўқитувчи (1), Санъатшунослик ва маданиятшунослик кафедрасига ўқитувчи (1)

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ:

1. Ректор номига ариза;
2. Ишловчининг шахсий варақаси;
3. Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
4. Паспорт нусхаси;
5. Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда);
6. Малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
7. Меҳнат дафтарчасининг нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.
Манзил: 100164, Тошкент ш., Яланғоч даҳаси, 127-аа уй.

Телефонлар: 230-28-02, 230-28-11.

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
Ҳа.иқор.лари.ш.з:
ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ
Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.




O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон манзилимиз: uzas.gzt@mail.ru

Тапшиқ ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42
Санъат бўлими: 233-56-40
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир
Ўқтам МИРЗАЁР

Тахриратга келган қўёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайдди. Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқлашиши мумкин.
Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Мухиддин РАХИМОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топириш вақти — 21.00. Босишга топирилиди — 22.15
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган.
Адади — 5894. Буюртма Г — 982. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Тапшиқотлар учун — 223. 1 2 3 . 5 6



ЖУМА КУНАЛИ
ЧИҚАДИ.
СОТУВА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2183-614X

